



Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi

O'zbekiston adabiyoti va san'ati


1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOY GAZETA

2022-yil 17-iyun / № 21 (4680)

Луғат тузиш фундаментал билимни талаб қиладиган мураккаб фаолият ҳисобланади. Яхши луғат ҳар қандай зиёлининг умрбод дўсти ва беминнат ўстози вазифасини бажаради, унинг кутубхонаси тўридаги мўътабар манбалар қаторида туради. Луғатларнинг юксак илмий ва амалий аҳамияти ана шулар билан белгиланади.

ИЛМ-ФАННИНГ УЛКАН ЮТУҒИ



Луғат тузиш аънаси қадим илди-ларга эга. Мусулмон Шарқда яратилган дастлабки луғатлар муайян йўналиш ёки соҳаларда ишлатиладиган ўзига хос истилоҳлар шарҳига бағишланган. Масалан, ўрта асрларда тасаввуф аҳли томонидан тузилган, бугунги тилда айтганда, изоҳли луғатлар дастлаб тасаввуфий истилоҳлар "мағзи"ни оддий ўқувчи "чақиб" беришни кўзлаб яратилган. Лекин кейинчалик улар суфийна позицияни ва, умуман, мусулмон Шарқда кечган адабий жараёнларни урганиш билан шугулланган тилчи-лингвистлар учун ёрдамчи-йўлдошга айланиб борган.

Эътироф этиш лозимки, мусулмон Шарқнинг турли улкаларида кечган диний-маънавий ва бадиий-адабий жараёнларнинг туб моҳиятини идрок этишда бундай луғатлар ҳамон самарали очкич вазифасини бажариб келмоқда. Ўрта аср мусулмон Шарқда яратилган дастлабки изоҳли луғатлардан бири эронлик мутасаввиф Абдулраззоқ ал-Қошони томонидан тузилган. Шунингдек, мазкур давр муаллифлари Мухиддин Ибн Арабий ва Али бин Мухаммад ал-Журжоний қалами остида чикқан луғатлар ҳам юксак илмий қимматга эга бўлгани учун кейинчалик европалик олимлар томонидан нашр этирилган.

Асрлар давомида ўзбек тилига дахлдор кўплаб луғатлар ҳам яратилган бўлиб, улар халқимизнинг серқирра мозийси, бой маънавияти, ибратли диний-маънавий маърифати, нафис адабиётини ўрганишга хизмат қилиб келмоқда. Мухаммад Ризобек Хоксорнинг "Мунтахаб ал-луғот" / "Зубд ал-луғот" (1798), Мухаммад Латиф Абдулсалоом ал-Булғорининг "Халл ал-луғот" (1830), Исоқхон тўра Ибротнинг араб-форс-ўзбек-турк-хинд-русча опти тиллик луғати (1901) ва бошқаларни уларнинг қаторига киритиш мумкин.

Гап ўзбек луғатшунослиги ҳақида борар экан, бу соҳанинг араб тили билан узвий боғлиқлиги зиёлиларга яхши маълум. Бу, албатта, тасодифий ҳол эмас. Бунинг сабаби, энг аввало, араб тили Исломининг бош ёзма манбалари — Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар тили бўлганига бориб тақалса, иккинчи тарафдан, миллий давлатчилигимиз, халқимизнинг серқирра ўтмиши, унинг жаҳон илм-фани ва маданияти цивилизациясига қўшган беназир ҳиссаси мутлақ кўпчилик ҳолларда араб тили ёки, ҳеч бўлмаганда, араб алифбосида битилгани билан боғлиқ.

Хуршид таваллудининг 120 йиллиги

Наим КАРИМОВ,
академик

ХУРШИД ВА ЎЗБЕК МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРИ

Жаҳон театри тарихи анча олис асрларда Эҳсил ва Софоклнинг машҳур трагедиялари билан бошланган бўлса-да, Туркистонда театр санъатининг дунёга келиши учун, бир неча асрлар ўтиб, XIX асрнинг 70-йилларида дастлаб гимназиялар ва ўқитувчилар семинариялари ҳамада шу ўқув юрларида адабий-бадиий тўғарақларнинг вужудга келиши, кейинроқ эса Туркистонга рус, яхуди, татар ва озарбайжон театр труппаларининг гастролга келиши тақозо этилди. Айниқса, 1911 йилдан бошлаб Аҳмадбек Камарлининг, Сидкий Рухулло, Али Асқар Асқоров раҳбарлигидаги озарбайжон театр труппаларининг Туркистонга таширифи ўзбек миллий театрининг майдонга келишида муҳим омил бўлди. Ўзбек миллий театрининг асосчиларидан бири Фулом Зафарийнинг идрок этишида, "1912 йилдан бошлаб ёшлар орасида театр ҳаваскорлари курина бошлаган эди. Бу ҳаваскорлар рус, татар ва озарбайжонлик оғайилларимизнинг Европа усулидаги уйнаган театрларидан ибрат олдилар".

Озарбайжон, шунингдек, татар ва рус театрларининг спектакллари таъсирида М.Бехбудий 1911 йилда биринчи ўзбек драмаси "Падаркуш" пьесасини ёзишга муваффақ бўлди. 1913 — 1914-йилларда эса, Самарқанд ва Тошкентдаги театр ҳава-

скорлари ижросида "Падаркуш" спектакли илк бор сахна юзини кўрди. Туркистонда жуда кечикиб бўлса-да, миллий драматургия ва миллий театр санъати майдонга келган эди. 1916 йилда озарбайжон театрининг "Лайли ва Мажнун" спектаклида ўзбек санъаткорларининг ҳам иштирок этиши уларнинг профессионал театр санъатидаги биринчи репетицияси бўлди. Шу кундан бошлаб ўзбек театрининг эндигина тугила бошлаган арбоблари, аввало, театр санъатида мусиқали драма жанри борлигини кашф этган бўлсалар, пировардида Навоийнинг "Лайли ва Мажнун", "Фарҳод ва Ширин" достонлари асосида мусиқали драма спектакллари яратиш мумкин, деган муҳим фикрга келдилар.

Биринчи ўзбек пьесаси Самарқанд, Тошкент ва ўлкамизнинг бошқа шаҳарларида сахна юзини кўрганидан кейин Абдулла Авлоний, Фитрат, Ҳамза, Фулом Зафарий, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ҳожи Муин сингари турли адабий муҳит вакиллари театр оламида катта ғайрат ва шижоат билан сахна асарларини ярата бошладилар. Улар орасида шу кунларда таваллудига 120 йил тўлган Хуршид тахаллусли шоир ва драматург ҳам бўлган.

Маълумки, Навоий ҳазратлари "Маҳбуб ул-қулуб" асарини умрининг поёнига яқин, яъни 1500 йилда ёзган. Асарнинг кириш қисмида ўзининг илмий, сиёсий ва ижтимоий, умуман, ҳаётий тажрибалари ҳақида тўхталиб, бу асар жамиятдаги турли касб-кор эгаларининг халққа ҳалол хизмат қилишида фойдаланиш учун асқотишини билдирган. Бобомизнинг билим ва тажрибалари, умуман олганда, асарни китобхонлар чин қалбдан ёқтиришини хоҳлагани учун унга "Маҳбуб ул-қулуб", яъни "қалблар севгилиси" деб ном берган.

Асар кириш, ўрта қисм ҳамда хотима ўрнидаги қисқа бир муножотдан иборат. "Халойиқ аҳвол ва афъол ва ақволининг кайфияти" (Инсонларнинг ҳоллари, феъллари ва сўзларининг кайфияти) деб номланган биринчи қисм қирқта фаслдан тузилган бўлиб, уларда бобомиз адолатли ва адолатсиз шохлар билан биргаликда бошқа давлат арбоблари, ҳуқуқни муҳофаза қилишга масъуллар,

шайхулислом, қозилар, фақиҳлар, мудarrisлар, табиблар, шоирлар, котиблар, муаллимлар, имомлар, муаззинлар, воизлар, ҳофизлар, қиссахонлар, аҳли нужум, тижорат аҳли, деҳқонлар, етимлар ва бошқа ҳимояга муҳтож қатламлар, юзсиз тиланчилар, шайхлар, дарвешлар, ичкиликбоз-шаробхўрлар, ашулчилар, раққослар каби

ҲАР КИМ ЎҚУСА НАВОЙНИ...

жамиятдаги турли касб-кор эгалари, турфа тоифаларнинг хатти-ҳаракатлари ҳақидаги ўз қарашлари ва танқидий фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтади. Мукамал жамият қуриш учун қандай тартиб-қоидаларга риоя қилиш кераклигини кўрсатади.

"Ҳамида афъол ва замима ҳисол ҳосиятида" (Ўзгал феъл-атворлар ва ҳуноқ одатлар ҳақида) деб номланган иккинчи қисмда тавба, зуҳд, таваккул, қаноат, сабр, та-

ФЕСТИВАЛЬ: ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ВА ЕЧИМЛАР

Республика кўғирчоқ театрларининг бу йилги аънавий XIII кўрик-фестивали ҳар галгидан ўзгача руҳда ўтди. Саҳнада кўғирчоқлар иштирокида миллийликка йўғрилган тарихийлик акс этди. Деярли ҳар бир спектаклда вилоятларнинг ўзига хос урф-одатлари ифодаланган бўлиб, қадриятларимизнинг нақадар бой ва гўзал экани аққол кўринди. Фестиваль доирасида халқ оғзаки ижодида хос бўлган афсона ва достонлар, жаҳоннинг дурдона асарлари, буюқ тарихий шахслар ва уларнинг фаолиятлари тўғрисидаги спектакллар намойиш этилди. Ушбу асарларда бир-бирини тақрорламайдиган сахна ечимлари, ижро усуллари ва ноодатий шакллар кўзга ташланди.

Достоннинг етакчи ғояси ва кўғирчоқ театрининг асосий мақсадини бирлаштириш жараёнларининг ўзига хос шакллари Ўзбек давлат миллий кўғирчоқ театрининг "Баҳром ва Дилором" (Т.Мирзо, Ш.Юсупов), Сурхондарё вилояти кўғирчоқ театрининг "Тоҳир ва Зухра" (Х.Расул, Ш.Юсупов) спектаклларида ўз ифодасини топган.

"Баҳром ва Дилором" буюқ мутафаккир Алишер Навоий қаламига мансуб "Ҳамса" асаридаги "Сабаи сайёр" достони асосида саҳналаштирилган бўлиб, етти иқлим шоҳи Баҳром ва унинг севгилиси Дилоромнинг афсонавий муҳаббати барча ёшдаги томошабинлар учун таъсирли тарзда ёритилган. Спектаклда рамзийликка алоҳида аҳамият қаратилиб, сахнавий макон ва образлар ёрдамида муҳаббатнинг илоҳий қудрати, ёвузлик устидан зғуликнинг ғалабасини кўрсатиш орқали севги, маърифат улуғланади, мунофиқлик ва зolimлик қораланади. Барча компонентлар — драматургия, режиссура, сценография, мусиқа ва актёрлар ижросининг уйғунлиги спектаклнинг муваффақиятини белгиллаган. Режиссёр Ш.Юсупов ва

рассом А.Алпхитининг ижодий ҳамкорлиги асосида ўзига хос, тақрорланмас сахнавий ечимлар топилган. Шу ўринда айтиб ўтиш



жоизки, спектаклда рақс сахналари биринчи планга чиқиб, асосий воқеалар кейинги ўринга тушиб қолган. Қолаверса, мураккаб рамзий тасвирлар, ифодаларни илғаш нафақат болалар, балки катта ёшдаги оддий томошабин учун ҳам қийинчилик туғдириши мумкин.

"Тоҳир ва Зухра" достони асосидаги эртак спектаклда хонлик даври зиддиятлари

акс этирилган. Машҳур халқ эртагининг фожеали якунидан фарқли ўлароқ, муаллиф Тоҳир ва Зухранинг тирик қолишига имкон яратиб, икки қалб муҳаббати мангу эканлигига ишора қилади. Севги қиссасининг ижобий якунини инобатга олмаганда, маълум воқеалар кўғирчоқ-персонажлар иштирокида қайта жонланган, дейиш мумкин.

Спектаклда сахнавий макон ва воқеалар бирлигини ифода этишда мураккаб ечимлардан фойдаланилган бўлиб, бу шубҳасиз, актёрлардан катта меҳнат талаб этган. Ҳаракатланувчи макбаралар

воқеалар сарой ичида бўлаётганини ифодалаш билан бирга, ҳар бир қаҳрамоннинг характери, мансаби, даражасини белгиллаб беради. Соғлар ортидаги рақс сахнасида муҳаббатнинг ёвузлик устидан ғалабасини тасвирлаш орқали спектаклнинг асосий ғояси ноодатий тарзда очиб берилиши, фожеавий сахналарнинг парда ортида ифодаланиши, ёвузликни намойиш

этишдаги ўзига хос ечимлар спектаклнинг ютуғи дейиш мумкин.

Қорақалпоқ давлат кўғирчоқ театрининг "Қурқут ота" (Мамбеталиев, Усманатдин), Қашқадарё вилояти кўғирчоқ театрининг "Думбиралар садоси" (К.Дилмуров, С.Сафаров) спектаклида куй ва соз, мусиқа сеҳрининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида ҳикоя қилинади.

"Қурқут ота" спектакли туркий халқларнинг энг муҳим муштарак қадриятлари, аънавий ҳаёт тарзи, оилавий ва ижтимоий тузилиши, қаҳрамонларча курашлари акс этган шу номли афсонаси асосида яратилган. Режиссёр содда воқеалар ва сахнавий ечимлар асосида улкан ғояларни тараннум этган. Рамзий оқ ва қора қушлар ўртасидаги курашда асарнинг асосий ғояси — жаҳолат устидан адолатнинг ғалаба қозониши ифодаланади. Ғоя ва мавзу жиҳатидан ушбу спектаклга яқин бўлган "Думбиралар садоси" сахна асари дидактик шеърлий эртак-пьеса жанрида ёзилган бўлиб, куй, соз ва сўзининг инсон ҳаётидаги тарбиявий аҳамияти санъатнинг қадимий турларидан бири бўлиши бахшичилик санъати мисолида, бахшиларнинг бийрон тиллари орқали тараннум этилади. Халқ донишмандлари — бахшиларнинг думбира жўрлигидаги панд-насихатлари жамиятдаги турли касб эгалари: ўтинчи, нонвой, тиланчи, қози, ўғридан тортиб, ҳатто шохларни ҳам тўғри йўлга етаклаши сингари воқеалар спектакль асосини ташкил этади.

ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ХАБАРЛАРИ

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида таниқли ёзувчи Назар Эшонкул таваллудининг 60 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва олий таълим муассаси ҳамкорлигида "Ҳозирги адабий жараён масалалари" мавзусида илмий-назарий анжуман ташкил этилди. Иброҳим Ғафуров, Иброҳим Ҳаққул, Дилмурод Тўраев, Абдулла Улуғов каби адабиётшунос олимлар ўзбек насрига, айниқса, ҳикоячилигига янги овоз, янги руҳ олиб кирган Назар Эшонкул ва унинг ижоди ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ғайрат Мажи, "Ёшлик" журнали бош муҳаррири Нурилла Чори ва ёзувчи, шоирлар, адабиётшунослар иштирок этди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Истанбул шаҳрида ўтган 14-Туркий халқлар шеърят фестивалида Бахтиёр Ваҳобзода номидаги мукофотга сазовор бўлган таниқли шоир Эшқобил Шукруни тақдирлаш маросими бўлди. Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид, таниқли адабиётшунос Шухрат Сирожиддинов, ёзувчи, шоирлар, олимлар ва уюшма аъзолари иштирок этди. Сўзга чиққанлар ижоди халқаро миқёсда зътироф этилаётган ўзбек адаблари сафи кундан-кунга кўпаяётгани, шунга қарамай, миллий адабиётимиз хазинасида ҳануз ўз таржимонларини кутаётган етуқ асарлар қўллиги ва уларни жаҳон адабиёти ихлосмандлари эътиборига ҳавола қилиш лозимлигини таъкидлашди.

Шунингдек, ўтаётган ҳафтада яна бир ижодкор Шерзод Комил Халилнинг ҳам бир туркум шеърлари Хитойнинг "Chinese Language Monthly" адабий журналида чоп этилди. Шоир шеърларини хитойлик адабиётшунос ва таржимон, профессор Тэмин Итмон Цай инглиз тилидан хитой тилига ўғирган.

Фозил ФАРҲОД

Шаҳзод ЛАПАСОВ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Туб негизини туркий лексика ташкил этадиган она тилимизга кўплаб арабий ҳамда форсий сўз ва иборалар ҳам сингил кетган. Бундай узлашмалар аллақачон тилимизнинг узвий қисмига айланган. Бундан чиқадиган мантикий ҳулоса шуки, янги лугат ўзбек тили лексикологияси билан боғлиқ тадқиқотларнинг кўламини кенгайтиришга замин яратиб, уларнинг сифатини оширишга хизмат қилади. Бинобарин, у ўзбек тилшунослигининг кейинги ривож учун ҳам бениҳоя муҳимдир.

Мустақиллик даврида ўтмишдаги алломаларимиз илмий ва маънавий меросини ўрганиш миллий ўз-лигимизни тиклашнинг ўзак ўқиғи айланди. Айниқса, охириги йилларда давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан ушбу йўналишда қилинаётган амалий ишлар, жумладан, Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази, Имом Термизий халқаро илмий тадқиқот маркази каби илмий-маърифий муассасаларнинг бунёд этилаётгани олимлар олдида янги вазифаларни қўймоқда. Уларнинг ижроси эса, кўп жиҳатдан, араб тилида ёки араб алифбосида битилган асл манбаларни ўрганишни мунтазам тақомиллаштириб боришни тақозо этмоқда. Шу маънода Фафур Фулом номидаги наشريёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр этилган “Ал-Қомус: арабча-ўзбекча қомусий лугат”нинг илмий жамоатчилиққа тақдим этилгани замонанинг ўзи олдимизга қўётган талабларга муносиб жавоб сифатида қабул қилиниши мантикийдир.

Ўрни келганда эслаш жоизки, IX–XII асрларда Марказий Осиёда кузатилган илмий-маданий юксалишда араб тили нафақат муҳим роль ўйнади, балки ушбу умуммиллий уйғонишда Мовароуннахр минтақасининг ўзи ҳам араб тили ва адабиёти тараққиётида янги чўққилар забт этилган нуфузли марказга айланди. Айниқса, хоразмлик аллома Абулқосим Махмуд аз-Замахшарийнинг бу соҳадаги буюк хизматлари ҳам Шарқ, ҳам Ғарбда бирдек

эътироф этилган. Унинг қаламига мансуб “Асос ал-балого”нинг араб лугатчилигидаги мумтоз ўрнини ҳақли равишда таъкидлаб ўтган “Ал-Қомус” муаллифлари, амалда буюк аждоҳимиз томонидан тамал тоши қўйилган илмий-изоҳли лугатлар тузиш аънасосига содиқ ворислар йўлидан бориб, ўзбек тилшунослигидаги янги улкан ютуқни қўлга киритганларини эътироф этиш лозим.

Илмий жамоатчилиққа тақдим этилган “Ал-Қомус” лугати қатор жиҳатлари билан қимматлидир. Биринчидан, у юз мингдан зиёд сўз ва иборани қамраб олган ўзбек тилининг фундаментал лугавий

тийси марҳум У. Алимов лугатнинг илк жилдлари нашр этилган кўнлар ҳақли равишда таъкидлаганларидек, “Ал-Қомус”да “тарихий шахслар, жуғрофий номилар, уларнинг аталлиш сабаблари, кўплаб ўсимлигу ҳайвонларнинг ўзбекча муқобиллари билан биргаликда илмий номилари ҳам берилганки, бу турли илм-фан вакилларида ҳам қизиқиш уйғотади”.

Тўртинчидан, “Ал-Қомус”ни тузишда Халил ибн Аҳмаднинг “Ал-Айн”, Ферузободийнинг “Ал-Қомус ал-муҳит”, Ибн Манзурнинг “Лисон ал-араб” каби мумтоз араб лугатлари ҳамда “Ал-Муъжам

асл манбаларни ўқиш ва тушуниш маҳорати билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам мазкур йўналишда таълим олаётган талабаларга араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзуви билан бир қаторда, араб ва форс тиллари ҳам ўқитилади. Мазкур фаолиятни қийинлаштираётган омиллардан бири тегишли ўқув қўлланмаларининг танқислиги, жумладан, арабча-ўзбекча муқаммал лугатнинг йўқлиги эди. Қўлимизда турган лугат, шубҳасиз, мазкур бўшлиқни тўлдирди.

Эътиборга молик яна бир жиҳат шундан иборатки, бу иш мустақиллик йилларида нафақат араб

лаб фаолият кўрсатаётган арабшунослик илмий марказлари, Ислам дини билан боғлиқ муассасалар ва умуман арабшунослар фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилган бўлур эди. Ўзбек шарқшунослик мактабининг ушбу улкан ва фойдали илмий лойиҳани амалга ошириш салоҳиятига эгалиги мазкур таклифни олға суришга асос бўлиб хизмат қилади. Охириги йилларда мамлакатимизда тобора мустаҳкамланиб бораётган янгича илмий-маънавий юксалиш муҳити ҳам бундай режани амалга оширишга ёрдам беради.

Қолаверса, Х.К.Баранов лугатининг аллақачон ноёб нашрга айлангани, уни харид қилишнинг деярли имконсизлиги ҳамда “Ал-Қомус”нинг ундан икки ярим баробар кўпроқ сўз бирликларини қамраб олгани ва бошқа фазилатлари бундай нашрнинг нечоғлиқ долзарб эканидан дарак беради.

Хулоса ўрнида таъкидлашни истардикки, амалга оширилган ишнинг кўлами бағоят улкан. Бундай илмий лойиҳа эллик-юз йилда бир марта амалга ошириладиган ҳодиса. Қўлимиздаги лугатга бағишланадиган бўлажак тадқиқотларда унинг илмий-амалий аҳамияти билан боғлиқ янги-янги қирралар кашф этилиши муқаррар. Бу каби фундаментал илмий лойиҳанинг якунига етгани ва унинг илмий жамоатчилик ҳўқмига ҳавола этилгани барча зиёлилар, жумладан, маърифатпарвар дин арбоблари ва шарқшунос-арабшунослар қалбида илиқ туйғулар уйғотаётгани — айна ҳақиқат.

Араб мақолларидан бирида таъкидланганидек, “Ҳар қандай меҳнатнинг муқофоти бор”. Бинобарин, узоқ йиллар давом этган тинимсиз изланишлар самараси — “Ал-Қомус” каби фундаментал илмий лойиҳани амалга оширган жамоа ҳам маънавий олқишлар, ҳам расмий муқофотларга муносиб эканига шубҳа йўқ.

Зоҳидулло МУНАВВАРОВ,
Ўзбекистон халқаро
Ислом академияси профессори,
шарқшунос-арабшунос

ЯХШИЛАР ЁДИ

Уч ойча аввал, март ойининг ўртала-рида Жиззахдан Ўрол Бегалиев деган киши менга кўнироқ қилиб қолди. Ўзи-



микан, дейишганида, клиника директори-нинг ўзига ишонч билан, Тошкентдан қўли энгил маҳоратли жарроҳни қақриб шу ерда операция қилдирамиз, деган такли-фига розилик билдиришганини баён қила бошладим.

Ўрол аканинг қўшимча қилишича, “Тошкентдан қўли энгил маҳоратли жар-роҳ” 2022 йилнинг 8 январь санасида, шанба кўни Жиззахга етиб келиб, Шоирани операция столига ётқизибди ва ишга киришиб кетибди.

— Операция кўнгилдагидек ўтди, — дедим. “Тошкентдан келган қўли энгил маҳоратли жарроҳ” бир неча соатдан кейин йўлакда кутиб турган Ўрол аканинг

маси хўсусида эканини билдирди. Ўюборинг, дедим.

Шоира Дониёрова Ўзбекистон радиосининг ўша маҳалларда “Адабиёт ва радиотеатр” деб аталмиш биш тахририятидаги хонамга салом бериб келгани ёдимга тушди. У тахририятимизга муҳаррир вазифа-сига ишга келганди.

Шоира ишга киришди. Нимадандир ҳа-диксираётгандек, теварак-атрофга маҳзун-нигоҳ билан боқиб юрарди. Очиқлиб-сочиқлиб кулганини биров кўрмас, нари борса табас-сум қилиб кўяр, табассуми ҳам қандайдир ғамгин эди.

Бир кўни у одатдагидек ўзи олиб бораёт-ган радиоэшиттириш матнини тасдиқлатиб

олиш учун хўзуримга кирганида гап орасида:

— Бадиий ижод билан ҳам шуғулланасиз-ми? — деб сўрадим.

У индамади.

— Шерь ёки ҳўқоя ёзсангиз, эфирга бе-риб, гонорар ишлашингиз мумкин.

— Раҳмат, — деди у миннатдорлик билди-риб. — Наср бўйича илмий иш қилмоқчийдим.

— Шўқур Холмирзаев ҳар кўни шу ерда, — дедим унга ўзимча йўл кўрсатган бўлиб.

— Имкониятдан фойдаланиб қолинг.

У бош ирғади.

— Шўқур ака билан гаплашдим, — деди. — Сўхбат қилишга рози бўлдилар.

— Мавзунингиз нима?

— Адабий услуб.

Мен талабалгимда Гюстав Флобернинг Луиза Коле деган бир хонимга йўллаган даста-даста хатларини ўқигандим. Фло-бер, кимдир айтганидек, “товуқни учишга ўргатмоқчи бўлган сор бургутдек” ёзувчи-лик сир-асрорлари ҳақида унга мактублар йўллаб, ўз ижодий тамойиллари, ёзишнинг сир-асрорлари, шахсий муносабатлари бора-сида кўпдан-кўп қимматли фикрларни баён этган, бир ўринда услуб ҳақида “Услуб — ин-сон” деган ибора ишлатганди.

Ёдимда қолган бу иборани айтганимда, одатда хомуш қайфиятда юрадиган Шоиранинг кўзлари “ял” этиб порлаб кетгандек бўлди.

— Шу гапингизни кўлласам бўладими? — деб сўради у ер остидан менга қараб.

— Флоберники денг.

— Хўп.

У илмий ишга киришиб кетди.

Мен бошқа ишга ўтганимда, Шоира ил-мий ишини ёқлаб, олий ўқув юртида дарс бера бошлаганди. Кўп қийинчиликларни кўр-ган Шоиранинг ишлари юришиб кетганидан сўнонар эдим.

Эсиз, қазоу қадарнинг охирига етмаган синовлари қилиб, бандаси ҳам унга зулм қи-либди. Буни қандоқ тушуномқ керак?

Унинг маҳзун нигоҳи бу ҳақда энди нима дейди?

Буни билишдан энди оғизимиз.

Шойим БЎТАЕВ

ОДАМБОЙ ДОРБОЗНИНГ ИККИНЧИ УМРИ

Ўтган асрнинг эллагинчи йилларида хоразмлик машҳур дорбоз Одамбой Иброҳимов ҳаёти билан боғлиқ шундай воқеа юз берганди: тўй, очик майдонда йигирма метр баландликда дор тикилган. Дорбознинг ғаройиб томошаларидан барҳаманд бўлиш учун тумонот одам йигилган.

Тасаввур қилинг: дорбознинг чиқиш-ларини ҳамма юрак ҳовучлаб томоша қиляпти. У қалачча — арқондан қилинган уч тишли нарвонда бор ҳўнарини кўрсат-моқда. Ана, қалаччага оёқларини боғлаб, энг мураккаб дастурларидан бирини на-мойиш этмоқда. Кўтилмаганда у пастдан кимнингдир: “Бўлди, дорни тўхтатинг!” деган овозини эшитди. Берилиб томоша кўрсатаётганди, бирдан кўзи дор остида ўйнаётган роққосага тушди ва... Бехосдан оёғига боғланган ип ечилиб кетиб, боши билан пастга шўнғиди. Одамлар ёппасига оёққа қалқди. Қий-чўв бошланди. Аммо дорбоз фавқултўда эпчиллик билан ўзини ўнглаб олди ва иккала оёғи билан ерга тика тушди. Бирор аъзоси шикастланмади, ҳеч қандай оғриқ ҳам сезмади. Одамлар ҳангу-манг. Ҳа, бу бир мўъжиза эди.

— Қирқ йилдан ортиқ дорбозлик қилган бўлсам, ҳўч қачон дор устидан одамларга назар солган эмасман, — деганди Одамбой Иброҳимов бир сўхбатимизда шу воқеани эслаб. Ўша вақтларда у етмиш ёшларда эди. — Ҳаёлим чалиб, ички дунёмдан кўз узганим учун умримда икки марта дордан қўлаганман. Яратганнинг қудрати билан би-ринчи мартасига ҳам, кейин ҳам менга ҳеч нима қилмади. Иккинчи бор дордан йиқил-ганим боиси, томоша кўрсатишдан олдин бир нокас билан қўл бериб қўришгандим. Шундан кўнглим хижил эди. Одатда дор устида доим хотиржам бўлардим. Бу са-фар эса... қалаччада ўйнаётганди, қў-лимга ўралган арқон ечилиб кетди. Йиги-рма беш метр баландликдан ерга қўладим ва... шифоҳосада ўзимга келдим. Аммо яна Одамбой эди.

Одамбой Иброҳимов билан бевосита сўхбатда бўлиб, дорбознинг босиб ўтган ибратли умр йўли ва дастуридаги бетакор лавҳалардан ҳаёдорлигим боси, унинг фаолияти ва дорбозлик санъатининг бе-назир жиҳатларига доир кўплаб маълу-мотларни йиғиб қўйганман. Маълум бўли-шча, Одамбойни тарбиялаб қатта қилган Иброҳим ота қўлигул уста бўлган. Ҳўнар-мандлик орқасидан кўн қўриб, умр бўйи одамларга фойдаси тегиб яшаган Иброҳим отанинг ўз зўриёди бўлмаган. Кексаёган-да ҳамқишлоқларидан бирининг боласини фарзандликка олиб, тарбиялайди. 1925 йилда Хоразм вилояти Янгибозор туман-нидаги Ширинқўнғирот қишлоғида туғил-ган Одамбой Иброҳимов эса яқинларидан жуда эрта айрилган эди.

Тақдир тақазоси билан Иброҳим ота-нинг ғариб хонадони ҳам фарзанд кулгуси-



уни муттасил даволатида. Аммо фойдаси бўлмайди.

Касал ётган Одамбой бир кўни жуда ёрқин туш кўради. Дор саҳнаси билан боғлиқ бу туш воқеаси кейинчалик реал ҳақиқатга айланишдан ҳали беҳабар бу болакайнинг эси-дарди дор бўлиб қолади. Иштиёқ шу қадар кучли эдики, кўчкина Одамбой ўз орау-хавасларига таяниб оёққа тура бошлайди. Бундан рухланган Иброҳим ота Одамбойни музофотнинг машҳур дорбозларидан бирига шогирдликка бе-ришни ният қилади. Ўғлини Туркменистон Республикаси Тошхўвўз вилоятининг Олти қишлоғида яшовчи Собир дорбоз олди-га олиб боради. У ўз даврида Мадрохимхон II (Ферўз) саройида дорбозлик қилиб, доврўк таратган эди. Шундай қилиб, Одам-бой устози Собир дорбознинг энг сўнгги, йигирма тўртинчи шогирди бўлиб... дорга чиқади.

Устозининг фотиҳаси билан дорбоз мақомини олган Одамбой яна уйига — Ширинқўнғирот қишлоғига қайтади. Халқ сайилларида, тўйларида дорбозлик санъ-атининг бетакор намуналарини намойиш қилиб, халқнинг олқишларига сазовор бўлади. Бироз муддатдан сўнўз ўз даври-нинг машҳур қизикчиси Авазёз шўир туз-ган гуруҳга қўшилиб, улар билан ҳамкор-ликда ишлай бошлайди.

1941 йил. Ёз фаслининг бошлари. Одамбой қишлоқдаги бир тўйда илк бор

мустақил равишда баландлиги йигирма метрлик дор устида ҳудди ерда, текис йўл-да юргандай юриб кетади. Шу-шу дорбоз ерда биринчи, дорда эса иккинчи умрини яшай бошлайди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланганда у ўн етти ёшда эди. Қишлоқдаги ишга яроқ-ли эркакларнинг барчаси урушга отланди. Ҳўжаликнинг барча юмушлари кексалар ва болалар зиммасига тушади. Одамбой бу вақтда ҳар қандай ишнинг урдасидан чиқарди. Бўш пайтлари одамларнинг ҳаё-лини бир дақиқа бўлса ҳам урушдан қалғи-тиш, кўнглини кўтариш учун дор қўриб, томошалар кўрсатади, ҳамқишлоқларини овулатади.

1942 йил ноябрида Одамбой Иброҳи-мов ҳам урушга отланди. Белоруссия, Польша, Албаниядаги жанглариди қатна-шди. 1944 йилда Кенисберг жанглари-дан бирида чал оёғидан жараланади. Олти ой госпиталда даволаниб, яна фронтга қайтаётганида, яъни 1945 йилнинг 9 май кўни уруш тугайди. Шундай бўлса-да, давр тақозасига кўра, Одамбой яна икки йил Красноярск ўлкасида ҳарбий хизмат-ни давом эттиради. Нихоят 1947 йил май ойида ҳарбий хизматдан она юртига қайта-ди. Яна қўлига лангарини олиб, дорбозлик билан шуғуллана бошлайди. Авазёз шўир, Холли масҳарабоз, Болта қизқилар билан бир гуруҳда нафақат Хоразм ва Қорақал-поғистон, Туркменистондаги халқ сайилла-ри, тўйлар, бозордаги майдонларда, қатта каналларни қазётган одамлар даврасида ўз ҳўнарини намойиш қилади.

1952 йилда Хоразм вилояти маданият бўлими таниқли дорбоз Одамбой Иброҳи-мов ва бир гуруҳ санъаткорларни миллий цирк маҳоратидан имтиҳон топиририш учун Тошкент шаҳар Цирк бۆхорамасига юбо-ради. Дорбоз Тошканбой Эгамбердиевга имтиҳон топириради. У хоразмлик бу йи-гитнинг маҳоратига юксак баҳо қўриб, уни Цирк бۆхорамасига ишга тавсия қилади. Тошкентда бир оз ишлагач, у яна ўз гуруҳ-дошлари сафига қайтади.

Қирқ йил дорбозлик билан шуғулланиб, йигирмадан ортиқ шогирд тарбиялаган, етти нафар фарзандни оқ ювиб, оқ тараган Одамбой Иброҳимов 1999 йили 74 ёшда оламдан ўтди. Аммо бугунги кўнда Юсуф-бой, Тоҳир, Зўҳра, Маҳмуд, Ойша, Тозагул ҳамда Рузмет Иброҳимовдек етти фарзан-ди унинг биринчи умрини, тожикистонлик Рузимбой Ҳайдаров, туркменистонлик Тозабой Ҳўжаев, Қодирберган Иброҳимов ҳамда шавотлик Абдулла Давлатов, ян-гибозорлик Комилжон Шарипов сингари талай шогирдлари эса дорбознинг иккинчи умрини давом эттирмоқдалар.

Икром БОБОЖОНОВ,
Янгибозор туманидаги
10-мактаб ўқитувчиси

УНИНГ МАҲЗУН НИГОҲИ

ни таништириб, Шоира Дониёрованинг турмуш ўртоғи эканини айтганида дарҳол ҳаёлимга келди: ҳа, бу киши ҳақида эшит-гандим — тиббиёт фанлари доктори, про-фессор, урология соҳаси бўйича қатта мутахассис.

Шоирани йўқотиш қайғули бўлгани-ни айтиб, у кишидан кўнгил сўрадим. Ўлимидан уч-тўрт кўн бурун Шоира мен-га телефон қилиб, ўзи ишлаётган инсти-тутда учрашув ўтказса, бориш-бормас-лигимни сўраганини, гап орасида қисса ва ҳўқоқларини тўплам шаклига келтир-са, тахрирдан ўтказиб, сўзбоши ёзиб беришимни илтимос қилганини ҳам эсладим. У кейинги пайтларда бадиий ижод намуналарини юбориб турар, ақ-лини етганча унга бу борада йўл-йўриқ кўрсатмоқчи бўлардим; маҳорати етма-ётганидан шикоят қилгудек бўлса, қат-та маҳорат билан ёлғону сафсаталар-ни тўқигандан, маддоҳлик қилгандан кўра, бундайроқ эса-да, уюлгингизни оғритган дардларни ростгўйлик билан ифодалаганингиз фойдали бўлади, дея кўнглини кўтарган бўлардим. Унинг дардлари кўп эди.

— Биз ҳам доғда қолдик, — ҳаёлимни бўлди Ўрол аканинг овози. — Шифокор-ларга ишонгандик, аммо...

— Ўзингиз ҳам шифокор экансиз-ку? — соҳадаги профессорнинг оғзидан бунақа гап эшитиш жуда ажабланарли эди. — Сиз шундай деб турсангиз...

— Ҳаммаям шунақа ўйлайди, — унинг овозида кўнч бор эди. — Ҳаммаям бўлиб туради, айтиб туради, санаб туради — ле-кин... билмадим, ўзи бизга нима бўляпти?

У бироз жўмил қолди. Кейин, янги йилдан сўнг турмуш ўртоғи Шоира До-ниёровани Республика кардиология мар-казининг Жиззах филиалида текшириб қўришганида унинг юрагида тўғма порог борлигини аниқлашганини, операция қи-лишга, тузалиб кетишга ишонтаришгани-ни; юрак билан ўйнашиб бўлмаслигидан ўйланиб қолишгани боис Тошкентга ёки чет элга олиб бориб операция қилдирсак-

хўзурига қичиб. — Юрак клапанини ал-маштирдик.

Шу соатлар ичида нина устида юр-гандек безовта Ўрол аканинг ҳўлатини тасвирлашга сўз ожиз экан. Шоиранинг қайта туғилгани, унинг ўзини қайта туғил-гандек эканини айтгани билан, бировга тушунтириб беролмас экан. У шўнинг учун “Тошкентдан қўли энгил маҳоратли жарроҳ”га қай тарика миннатдорлик билдиришини ҳам билмаслиги, қанча мин-натдорлик билдирса ҳам оздек кўринар эмиш, барибир, қўлидан келганича мин-натдорлик билдирибди.

“Тошкентдан келган қўли энгил маҳо-ратли жарроҳ” ишини битказиб, Тошкент-га қайтиб кетибди. Ўша кўни жонланти-риш бўлимига ўтказилган Шоира ҳўшига келиб, турмуш ўртоғи билан гаплашибди. Ўрол ака уни уринтириб қўймасликка ҳа-ракат қилиб, ҳар кўни хабар олиб турибди — клиника директорининг ўзига ишонч би-лан айтган сўзлари, “Тошкентдан келган қўли энгил маҳоратли жарроҳ”нинг энгил қўли ва маҳорати тўфайли унинг кўнгли хотиржам, Шоиранинг тузалиб кетишига ишончи қомил экан.

Аммо... Операциядан кейин бешинчи кўни Шоиранинг аҳволи оғирлашибди. Текшириб қўрилганида, ўзига ишончи бандан шифокорларнинг айг-хатоси ту-файли қоннинг сўюлиб кетиши оқибати-да ўпканинг плевра бўшлиғига қон кетиб қолган экан. Клиника директори бепарво, “Тошкентдан келган қўли энгил маҳора-тли жарроҳ” яна қайлардадир тиг кўтариб юрибди — бу ерда филология фанлари доктори Шоира Дониёрованинг аҳволи тобора оғирлашиб бормоқда эди. Уни қайта операция қилишибди, аммо у ҳўши-га келмай вафот этибди.

— Шу чокчача ўша пороги билан юрган экан, юраверсин эди. — дедим фойдасиз гап айтишнинг оғзимдан чиққанидан сўнг пайкаб қолиб.

Ўрол ака ҳам буни сездим, гапни бошқа ёққа буриб, телефон қилишдан мақсадди Шоиранинг менга айтган қўлёз-

Собир ЖАББОР

КОИНОТГА ЙЎЛИМИНИ БУРСАМ



ОЙДА ТИКИЛГАН

Юртим бўйлаб сайрга чиқсам,
Сўраганга Кўкдандан, дейман.
Хориж кезсам, кимдир қизиқса,
Ўзбек. Мулки Турондан, дейман.

Коинотга йўлимини бурсам
Салом Ердан! — дейман баралла,
Сайёралар жўр бўлар хурсанд —
Хуш ёқади мадҳиям, яллам.

Тонгда ялла таралса нурли,
Билингки, мен Ойдаман, дўстим!
Куйлаш ҳам, ўйлаш ҳам сурурли —
Ўзбекистон дунёдан устун.

ЁШ ДЎСТИМГА

Бундай бахт топилмас қидирсанг,
Фидо бўл, Ватаннинг юзи бўл.
Оқни оқ дейишга қодирсан,
Ўзбекининг устувор сўзи бўл!

Жонингга Ватандан яқин йўқ,
Сен унинг баҳори, ёзи бўл.
Курашда сенингдек оқим йўқ,
Ён! Ишқда Ватаннинг ўзи бўл!

Хўр Ватан сенингдир, хушёр бўл,
Чалғима, узукка кўздек бўл.
Риёни энгишда аскар бўл,
Ўзлик бўл, Сўзлик бўл, Ўзбек бўл!..

БИР УМРГА

Хаёт бизни ҳар кун синайди,
Четлаб ўтар гоҳида кулгу.
Толе бир кун бошни силайди,
Сен ҳам мендек умидвор бўлгин.

Сени ўйлаб йўқ менда ором,
Атрофингда — томошабинлар...
Сен ҳеч кимга эмассан қарам,
Айтсанг бўлди ойдек шивирлаб:

Мен учун гул ясанг оловдан,
Мен интиқман, севинчим — тайин,
Мени тиланг, тиланг Оллохдан
Кулгуларнинг таъмин билайин...

Мунира РАМАЗОНОВА

ҚОРА ҚЎЗЛИГИМ

СОҲИЛДА

Сой соҳили,
Кўкда ой тўлин.
Учрашмоқда икки ошиқ дил.
Нур қоплайди сомончи йўлин,
Куйга тўлиб кетади соҳил.
Сой ёқалаб кезган икки дил,
Бирлашади гўё икки шам.
Бир энтикиб тушади соҳил —
Бир энтикиб кетади оқшом...

СЕНИ ДЕБ

Ўғирладинг қалбимни тамом,
Сени дейди юрагим ҳамон.
Топиб бер, деб қистайди ёмон,
— Яшаяпман, ҳамон сени деб.

Кутаяпман, қайтишинг керак,
Садо билан тоғ берсин дарак;
Соғинчлардан қийналди юрак,
— Яшаяпман, ҳамон сени деб.

Армонларим дарё аслида,
Тўлқинлари тошар авжиди;
Кўзимда ёш, юрак мавжиди,
— Яшаяпман, ҳамон сени деб.

Шудир менинг умрим баёни,
Қалбим сенга атадим, жоним;
Унутолмай бир лаҳза номинг —
Яшаяпман, ҳамон сени деб.

ГУЛЛАР БАЗМИДА

Баҳоримнинг кўрки очилиб,
Дил яйради гуллар атридан.
Гўё дурлар кетди сочилиб
Ашъоримнинг ҳар бир сатридан.

Сармаст қилди гуллар чиройи,
Туйғуларим дарёдек тошди.
Учдим яна умидлар сари,
Орзуларим ғунчасин очди.

Қалбим ташна гул чиройига,
Мен учун бу бахтиёр дамлар.
Баҳоримнинг гуллар тўйига,
Тўпланибди қанча одамлар...

ФАРАҲ

Ҳарир кўйлагини кийди саболар,
Анҳорлар лабидан учди наволар.
Қирларда қирмизи севинчми ё гул?
Қизғалдоқ баргидек дил титраб энгил.

Табият тилсими тинчсини бузди:
“Яратган асрасин, ҳаҳ, ёмон кўздан...”
Кушларим хушимни англаган замон,
Сайраб юбордилар: — Дардинг безавол!

Хешларим боримни борлиққа ёйди,
Ҳайратимни сездим хув — рангин ёйда...
Гул фасл! Фасоҳат фурсати етди —
Чечаклар ўрнидан даст туриб кетди!

Дилхуш саболарга эргашдим — учдим,
Юртим жамолини нигоҳ-ла кучдим!

УЙҒУНЛИК

Ғайрат қилиб кетмон ушладим,
Вақт зик, Талай томорқа иши,
Аллақачон қайтган кушларим,
Хижолатда қолмай дер киши.

Кўчатларнинг хилидан экиб,
Каттақон боғ — ният, эзгу ўй.
Бир қарич ер изимда лекин,
Боғбонали, хомхаёлни қўй...

Сарин еллар... оҳ, хушбўй улар,
Райхонларни қитқилган кез.
Ер юмшагдим жонимни улаб,
Роҳатланиб, ёрим, ҳовли кез!

Ер чопаман! Тикман — тирикман,
Табиятга дилдан шерикман.

ТАШРИФ

Қизик ҳолат бўлди-ёв содир:
Тонг танг қолди кутилмаганда,
Бир кечада бодом йўғонди —
Илҳом шунча етилмаганди!

Ху-хулади думбул мусича,
Тумшуғида ташиб хас-хашак.
Бу — севгига бўлган мурожаат,
Бу ҳам, кўклам дегани бешак.

Қурт тушгандек пайтавасига
Аёз энди қилолмас ҳўйла.
Жир битибон куртавасига,
Говмишойлар тўлишди ҳўйла.

Афсунгардир кўклам дегани,
Кўзгатади тирик жонларни;
Табиятда сеҳри ягона —
Бир “куф-суф” дан олам жонланди!

Жонланмоқда яна малаҳат,
Қонланмоқда яна кунчиқар.
Ёшармоқда кўҳна муҳаббат —
Бор муъжиза очикча чиқар!



Дилга солди ҳаяжон бунча,
Муҳрларнар юракка севги.
Кўзларимни куйдирган ғунча,
Ут ишқимга ишора, белги.

Тарк этмасин гуллар қувончи,
Қалбимизга бахш этсин туйғу.
Яшамокқа ортсин ишончи,
Ҳар бир юрак гул очсин мангу.

Гул базмида менга муносиб,
Гуллар бордир, излайман мен ҳам.
Нозик гулни бағримга босиб,
Кетгим келмас, кетмагин сен ҳам.

ҚИШЛОҒИМ

Бепоеъ даштлари чаман қишлоғим,
Қозоқ даштларига туташ саҳроси.
Сунҷим, таянчим, ардоқли боғим,
Дунёда бормикан сендан аълоси.

Ёшлигим кўксингда олиб, бехатар,
Дарёю азимга қорлаган нурсан.
Уммонга айлангин, дейсан ҳар сафар,
Сершовқин Тошкентдан қошингга келсам.

Ҳар тонг Бухорога бергайсан салом,
Ҳазрат Нақшбандга туташ йўлларинг.
Сени қўллаб турар Авесто бобом,
Сени қўллаб тутар Етти Пирларинг.

Она кўксидидаги гўдак каби шод,
Яйрайман, бағрингга бош қўйган чоғим.
Яшнайвер, яйрайвер, бўлавер обод,
Эй, азиз волидам — она қишлоғим.

ТУРКИСТОН ТУРКИЙЛАР
БЕШИГИДИР

Қардош халқлар билан дўстлигимиз, биродарлигимиз мустақамланиб бораётганида адабий ҳамкорликнинг ўзига хос ўрни бор. Бу борада бадий таржима турли халқлар адабиётини яқинлаштиришга, айниқса, хизмат қилмоқда.

Қозоқ адабиёти вакиллари шёърларини ўзбек тилига ўгириб келаятган, ўз навбатида, ўзбек ижодкорлари ижод намуналарини қозоқ ўқувчиларига етказишда муносиб хизмат қилаётган заҳматқаш таржимонлардан бири Робия Қамчибек қизидир. У Қозоғистон Республикаси “Ижодкор” адабий бирлашмасининг “Чимкент” уюшмаси аъзоси, Халқаро Миртемир мукофоти ҳамда “Жамоат фахрийси” ва “Дўстлик” медаллари соҳиби. Яқинда Робияхон таржимасида қозоқ элининг суюкли шоири Муқағали Мақатаевнинг шёърлари жамланган “Мени эсга оларсан” номли китоби ҳам ўзбек китобхонларига етиб борди.

Қуйида шоира ва таржимон Робияхон Қамчибек қизининг бир турқум таржималарини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Исраил САПАРБАЙ

МУҲАББАТ

Муҳаббат қайда дема — юрагингда,
Шафват қайда дема — тилагингда.
Баракам қайда дема — рўзгорингда,
Тўй-ҳашам қайда дема — барорингда.
Ой-куним қайда дема — осмонингда,
Бойлигим қайда дема — тик бошингда,
Қайғу-мунг қайда дема — зум қошингда.

Тириклик қайда дема — тонг отганда,
Егулик қайда дема — Яратганди.
Юлдузим қайда дема — пешонангда,
Ул-қизим қайда дема — қошонангда.
Булғим қайда дема — тоғ ёнида,
Булбулим қайда дема — чорбоғингда,
Душманим қайда дема — сул-соғингда.

Толем қайда дема — гул ёрингда,
Бозорим қайда дема — болларингда.
Чиройим қайда дема — тонг нурида,
Ажалим қайда дема — тақдирингда.
Чирғоғим қайда дема — уй шифтида,
Турғоғим қайда дема — қабр қафтида,
Жумоғим қайда дема — Эгам тафтида.

ҚОЗОҚ ҚИЗЛАРИГА

Мен қозоқ қизларига лол қоламан,
Яноғи, жисми-жони гул яшнаган.
“Қиз ўсса — элнинг кўрки” деган сўзини
Боболар, қаранг қандай топиб айтган!

Йигитларнинг шунқорига тенглашар,
Ботир ҳам,
Баҳодир ҳам,
Мард ҳам шулар!
Эл бошига иш тушса...
Белин боғлаб,
Арғумоқ тулпорига солар эгар!

Қизларим қўноғим деб тўрин берган,
Ўғиллар полвон бўлиб, кўксин керган.
Кенг даламнинг дастурли бу одати
Бугунга кечагидан ўтиб келган.

Рашид ёшлигидан отасининг этагини тутди. Далада нима юмуш бўлса бирга бажарди. Вояга етгач, ота касбини давом эттирди. Далада экинларга сув тараб, завқланишнинг ўзига яраша гашти бўлади. Айниқса, тунги суғоришнинг машаққати ҳам, завқи ҳам бошқача.

Кунларнинг бирида у тунда қўлига кетмонини олиб, белига белбоғни боғлаб, дала томон йўл олди. Орқасидан ўзи меҳр қўйган чипор рангли ити ҳам эргашди. У итни доим ўзи билан олиб юрарди. Ой нурида жилваланиб оқаётган сув киши кўнглига ўзгача завқ бағишлайди. Рашид гоҳ юқорига, гоҳ пастга югурар, сувнинг бир маромда тақсимланганини назорат қиларди. Тонгга яқин бироз чарчоқни ҳис этди, чоғи, белидаги белбоғини ечиб ерга тўшаб, устига аста ёнбошлади. Ит ҳам узала тушиб бошини ерга қўйди. Рашид бир муддат уйкуга кетди. Сесканиб кўзларини очди. Итга сездирмай ўрнидан турди. Кетмонини олиб сувнинг оқими бўйлаб юрди. Бу орада тонг ёришди. Иш анча унумли бўлганидан кўнгли тўлиб, уйи томон ошқиди.

У икки кун итни кўрмади. Бирор лайчага қўшилиб қаерларда тентириб юргандир-да, деб ўйлади. Бошқа юмушлар билан бўлиб, сув қўйган пайкалга икки кундан сўнг келди. Келди-ю, ҳайратдан лол қолди. Жонивор эгасининг қўйғини тишлаганча ҳеч нарса емасдан, икки кун бир жойда ётган эди. У итни аста қўлига олди. Ит зўрга нафас олар, кўзлари ёшга тўлиб турарди. Итнинг бу ҳолатидан у ўзини ич-ичидан койиди.

Қишлоқ жойларда кўпчилик чорва билан шуғулланади. Ҳар бир хонадонда йўқ деганда иккитадан соғин сигир бор. Сут яхшигина даромад манбаи. Рўзгорнинг бир четини эмас, салмоқлигина қисmini кўтаради. Аммо сутни сотиб даромад қилиш анчайин мушкул. Сутни сотишга қишлоқ аҳли бирмунча қийналади. Шундай вақтда давлат томонидан сутни олиб кетиб шахарликларга етказиш тизими жорий қилинди. Маҳалла аҳлидан сут йиғиб олиниб, пули нақд бериладиган бўлди. Бундан аҳолининг бир мушқули енгиллашди.

Шарифжон ҳар кунни тонг ёришмасдан Ҳалима хола-нинг уйга салкам қирқ литр атрофида сут олиб келарди. Унинг иккита ити бор, улар гўё Шарифжонни қўриқлаб

Яширмай айтар бўлсам жон сиримни:
Тақдирим қаро кунга қанча илмиди...
Мардликнинг қўш қаноти деб биламан
Қаҳрамон Алиям ва Маншугимни.

Пир тутган муҳаббатда садоқатни,
Ҳусни билан лол қилган элу юртни.
Қизларнинг нози билан умр қизик,
Қизлар асли мунаввар этар ҳаётни.

Савқни сонга қўшиб, сир айтмаган,
Вафодор, жуфти ҳалол эсаматга.
Кўраман рафиқалик ибратини
Ақжунус, Қамқа, Назим, Қуртқалардан...

Ҳамон элда янграйди афсонаси,
Номи учун жонин берар жон боласи.
Ардоқли Қиз Жибек ман Баян Сулув —
Даланинг Данаеси, Мадоннаси!

Тойғанаб кетмаслик-чун жанг, ўнгирдан
Ёнига хон ҳам қизин ўтиргизган.
Тақдир Тўғжонларнинг талай-талай
Юрагин Абайларнинг оҳ ургизган...

Ўтса ҳамки қанча авлод, қанча бўғин,
Наслим шунча тозаалиги ғурур туғим:
Динанинг элга ёйсам қуй-достонин,
Кулашининг хуш овозин кўзга суртуғим.

Очган қаби бол бўлоқнинг энди кўзин,
Қулф уриб, гул яшнамоқ келди кезинг.
Улуснинг улуг қуни ҳада этган
Эли бир, энчиси бир тенглик — ўзин!

Жовдираб гуноҳқордай ёқут кўзинг,
Бошингдан қанча қора кун ўткиздинг...
Улуснинг улуг қуни ҳада этган
Хўр иқбол, боғу бўстон, бахт ҳам ўзинг.

Сени суймас асли башар фарзандимас!
Пок кўнглингга оқ пахта қилар ҳавас.
Бир-бир айтиб не қилайин, сен муносиб —
Қозоқ қизи шарафи бир сенга хос!

ВАФОДОР

Оқтой катта дарахт тағига бориб ўтириб олди ва эгасига нималар демоқчидек гингшй бошлади. Шарифжон итнинг ёнига борди. Дарахт тағида эса қонга беланиб, совуқдан тахтадай қотиб Қоратой ётарди. Оқтой бир эгасига қараб қадам ташлаб, бир Қоратой томон тикилиб қарай-қарай уйга қайтди. Уйга келиб муъжазгина уйчасига кирди. Қорнини ерга бериб ётди. Тумшуғини олд панжалари орасига қўйди. Қўзлари ёшга тўлди. Унда энди аввалги шўхлиқдан асар ҳам қолмаганди. На эгаси берган сувга қаради, на овқатга. Шу қўйи уч кун қимир этмади. Тўртинчи кун Қоратой қаби унинг танаси ҳам совуқдан тахта сингари қотиб қолди.

Оиланинг тўнғичи бўлган ўғил рўзгорини бўлак қилди. Яшаш учун уч-тўрт хона қурилган бўлса-да, очик-сочик, девор билан уралмаган ҳовлида оила-си билан рўзгор юкини елкасига олди. Рўзгор юкини кўтариш эса анча оғир кечди. Фарзандлари ҳали ёш. Уларни боқиш, тарбиялашнинг ўзи бўлмайди. Болалар кўчада қолмас, деб боғчага жойлади. Кунларнинг бирида фарзандларини боғчадан олиб уй томон ошққан отанинг кўзи йўл чекасида зўрга судралиб келаятган кучук боласига кўзи тушди. Ўғилчаси кучукчани уйга олиб кетамиз, деб хархаша қилди. Ота боланинг раъ-

Фариза ЎНҒАРСИНОВА

ОНА ЮРТ

Оҳ, муқаддас, бағрикенг она юртим,
Кўнглим сенга интилар — жўшқин оқим.
Соғинчимни қанот қилиб сен томонга
Парвоз қилдим, полопондай талпиндим.
Қадрдоним, тупроғинг — онам қафти,
Сенга бўлган ишқимда олов тафти.

Мағжан ЖУМАБАЕВ

ТУРКИСТОН

Туркистон —икки дунё эшигидир,
Туркистон бу туркнинг бешигидир.
Ажойиб Туркистонга фарзанд бўлмоқ,
Туркимнинг Тангри берган энчисидир.

Қадимда Туркистонни Турон демиш,
Шу Туронда эр турким униб-ўсмиш.
Туроннинг тақдири бор кўп сурунли,
Бошидан не ғаройиб кунлар кечмиш.

Туроннинг тарихи бор оташнафас,
Лов-лов ёнган олови кўкларга қасд
Туроннинг ерларию суви ҳам ёд,
Денгиздай теран, чуқур ҳаёлпараст.

Туроннинг ҳад-худудсиз қўли қандай,
Денгиздай кўз илгамас қўли қандай!
Туроннинг дарё деган ўзанлари,
Тошса, қўлни босғудай сели қандай!

Туроннинг тоғлари бор қўқдан ошган,
Бошини оппоқ сочлар мангу босган.
Бағрида эрка бўлоқ ўйноқлаган,
Яралиб тоғдан оққан муздек ёшдан.

Қўллари бор, ел елпимас, сап-сарик кум,
Қабристондай сукунат — мангу ҳукм.
Чексиз қўлда жон-жонзот қайдан бўлсин,
Сарик қумда ўйноқлар пари ҳам жин.

Туроннинг денгиздайн кўллари бор,
Ястанди бепоеъ Тенгиз, Орол.
Бир ёнда хосиятли Исикқўлнинг
Бағрида дунё кўрган туркий кўкёл.

Қадимда Окс, Яксарт— Жайхун, Сайхун,
Турклар дарё дейишган бу икковин.
Муқаддас шу икки сув ёқасида
Топасан хосиятли бобонг қабрин.

Туроннинг Тиён—Шондек тоғи қандай,
Тенг келмас Тиён—Шонга тоғлар талай!
Эрки йўқ Ер Туркийни эсинга ол,
Кўкўпар Хантангрига қарай-қарай.

Балхаш бағридаги Тарбағатай,
Тизмали, ер киндиги — Помир, Олтой.
Қазигўрт хосиятли тоғ бўлмаса,
Туфонда Нуҳ кемаси тўхтар қалай?

Сени қандай севишим кераклигин
Ҳеч қандайн китоблардан ўқимадим.
Сен ҳам, тош ҳам муқаддас, осмон олов,
Сенда жон тебратгудай дoston бор-ов.
Мендаги бу ҳаётга хушторлигим
Сени яхши кўришдан бошланган-ов.
Сен кечирма агар жонинг яраласам,
Бор сирим сенга очғум яширмасдан.
Мен бош олиб кетарман беваатандай,
Ғар умидинг оқлашга ярамасам.

Туроннинг ери ҳам ёд, эли ҳам ёд,
Кўюндай бошдан кечган қучи ҳам ёд!
Туроннинг бутунлайин ҳукмони
Қадимда афсонавий Афросиёб.

Азалдан макон эмас у анчайин,
Билсанг Турон тарихин уққан сайин.
Шу муқаддас Туронга кўзин тиккан
Қадимда Қайхисрав ман Зулқарнайн.

Турондай бу оламда ер бормикан?
Туркдай одам зотида эл бормикан?
Ўзи доно, серғайрат, закий ҳаёл,
Туроннинг эрларидай мард бормикан?

Туроннинг амири бор Тарағайдай,
Шу амир насли Темир ёнган ўтдай.
Ўт сочиб ер юзига буюк Темир,
Ярқ этиб ёниб ўтган чақмоқ ўтдай.

Туронни мактамайман бекорга мен,
Усиз ҳам Турон донги олис кетган.
Сирлашган ерда туриб кўк — осмон ман
Қай бир олим тенглашар Улугбекман.

Асл қон — хосиятли турким қони,
Шу қондан — Ибн Сино Абу Али.
Билимнинг қўлғили муъжизадай,
Дунёга бундайин зот келган қани?

Туркнинг ким камсита олар мусиқасин,
Форобий тўққиз торли дўмбирасин
Чертганда тўқсон тўққиз алвон турли,
Юланиб, ким тиймаган кўзда ёшин.

Арслондай элга Ватан бўлган Турон,
Туронда қозоғим ҳам бўлгандир хон.
Қозоқнинг қашка йўлли Қосимхони
Туроннинг кўп жойида зўр ҳукморон.

Турондан Сариярқани бўлак дема,
Туркистон олти алашга бўлган қапа.
Туроннинг тулроғини кўчиб ётар
Кечаги мардлар марди кўкёл Кене.

Гурбатда ким изламаса она юртин,
Тулпор ҳам кўксамасми она ерин?
Арқанинг фахри бўлган— қалин алаш,
Турон ҳам агар билсанг, сенинг еринг.

Қадимда Окс, Яксарт— Жайхун, Сайхун,
Турклар дарё дейишган бу икковин.
Муқаддас шу икки сув ёқасига
Бўлмаса, бобонг қабрин излаб боргин.

Қозоқ тилидан
Робияхон ҚАМЧИБЕК қизи таржималари

ийни қайтармади. Шу кундан бошлаб уч яшар ўғли кучук боласини боқа бошлади. Унга Тарзан деб ном қўйишди. Ўғил хатто оғзидидаги лўқмасини ҳам кучукча билан бўлашар, бундан онасининг жаҳли чиқиб, эрига итни йўқотишни ўқтирарди. Аммо бола ўрганиб қолгани боис ундан воз кечишнинг чораси бўлмади.

Тарзан катта бўлгач, уй қўриқчисига айланди. Уйга бирор-бир шарпани ҳам йўлатмасди. Бир кун жиянларини кўргани келган тоға уйга кириб опаси билан саломлашди. Сўнг жиянини эркалаб бағрига босди, у билан ҳазиллашиб тегажонлиқ қилди. Шунда Тарзан шахд билан тоғага ташланиб, тишларини ғичирлатиб, ҳар томонга югуриб уйни бошига қўтарди.

— Жиянингни қўйиб юбор, шунда жим бўлади, — деди опа.

У аста жиянини қучоғидан нари сурди. Тарзан тинчланди.

— Бойлаб боқиш керак итни. Бирортасини тишлаб олса, балога қилиб кетасиз.

— Аслида ит ҳеч кимга тегмайди. Фақат шу жиянингга яқинлашган одамни ёқтирмайди-да, — деди опа.

Кунларнинг бирида Тарзан йўқолиб қ

Таниқли ёзувчи Назар Эшонқул адабиёт оламига мураккаб бир даврда кириб келди. Адабиётда “ўтиш даври” деб аталган бу давр, бир томондан, собиқ шўро салтанати емирилиб битаётган, адабиётнинг устуни саналган соцреалзм қолиплари чилпарчин бўлаётган пайт эди. Иккинчи томондан, юзага кела бошлаган баъзи демократик тамойиллар туфайли халқимиз жаҳонга юзланган, ўзликини англашга бўлган кучли иштиёқ тақиқланган миллий меросимизни ҳам, жаҳон адабиёти дурдоналарини ҳам шитоб ўзлаштира бошлашга йўл очган эди.

Назар Эшонқул дастлабки асарлари биланоқ мунаққидларимиз назарига тушди ва бу адабий жараёнда акс-садо берди. Адиб ижодининг адабиётшунослика ўрганилишини кузатсақ, у яратган ҳар бир асар эътибордан четда қолмаганини, қарашлар, таҳлиллар, талқинлар ҳикоядан қиссага, қиссадан романга томон тадрижий тарзда юксала боргани кўринади.

Жумладан, У.Норматов ёзувчининг “Маймун етаклаган одам” ҳикоясини баҳолаш экан, “...рамзий-символик тимсоллар ташийдиган маънонинг теран ва қўлдамдорлиги, қаҳрамон ҳаёт йўлининг чуқур таҳлили — бу асарни жаҳон новеллистикасининг энг яхши намуналари қаторига қўйиш учун изн берган эди”, деб ёзади. Мунаққиднинг фикрича, ушбу ҳикоя ўзбек касрида “замондош-асрдош” образини яратишда янги босқични бошлаб берди. У.Норматов бу ҳикояни ҳамда кейинроқ ёзилган “Шамолни тўтиб бўлмайдми” ҳикоясини таҳлил қилганда “замондош-асрдош” қаҳрамонларнинг шўро даврида кечган ҳаёт тарзининг маънисизлигини кўрсатиш асосий мақсад бўлганини таъкидлайди.

Олимнинг нафақат Назар Эшонқулга оид, умуман, ўтиш даврида яратилган шу типдаги асарларга берган баҳосида характерли икки жиҳат кўзга ташланади: биринчидан, янгиланаётган бадий тафаккур маҳсули бўлган асарларда умри шўро даврида кечган “замондош-асрдош” қаҳрамонларнинг оғиз қисмати акс эттирилган бўлса, иккинчидан, айна қисмат тасвирида яқрағилиқдан воз кечиб, янгича поэтик ифода — ранг-баранг рамзий-мажозий бўёқларда воқеа сифатида баҳолайди.

Дарҳақиқат, олимнинг ушбу кузатишлари бежиз эмас эди. Ўтиш даврида яратилган асарларнинг асариятида шўро даври фожиаларини акс эттириш етакчилик қилаётган эди. Айна пайтда адабиёт-

га кириб келаётган ёш ёзувчилар ижодий изланишлар асосида бадиятнинг, унинг фалсафий, ижтимоий-эстетик асосини янгилашга интилаётганди. Адабиёт илмининг намоёндалари бу ўзгаришларни ўз вақтида илғаб, унинг моҳиятини очишга ҳаракат қила бошладилар.

Жумладан, Қозоқбой Йўлдош “Истиқлол насри белгилари” мақоласида насримиздаги янгиланишларга тўхталар экан, куйидаги фикрларни илгари суради: “Ўз фикрлаш тарзи ва тасвир йўсини билан ҳозирги ўзбек насри тараққиётида алоҳида ўрин тутган Назар Эшонқул бизга кўрииб турадиган ҳаётни эмас, балки тамомила ўзига хос ва бетакор одамларнинг тамомила ўзгача ва қайтарилмас ўйлари, дунёсини ҳеч кимга ўхшамаган йўсинда тасвирлаш йўлидан бормоқда”. Адибнинг “Тун панжаралари” қиссаси ифода йўсинига тўхталар экан, “Чиндан-да, миллий насримиз ҳаётини аниқликдан юксакроқ реаликни: қаҳрамонларнинг чигал руҳияти ва ижодкорларнинг фалсафий мушоҳадаларини ҳаққоний ифодашга даражасига кўтарилди”, деб баҳолайди.

Бундай мушоҳадаларни Раҳимжон Раҳмат кузатишларида ҳам кўраемиз. У ўз мулоҳазаларида Н.Эшонқул рамзлар воситасида инсон руҳий оламининг овлоқ жойларига кириб бориш, инсон қалбини зулм ва зулматдан ҳимоя қилиш каби ҳусусиятлар ифода этилганини кўрсатади.

Хурушд Дўстмуҳаммадин “Назарнинг умидбахш кемалари” мақоласида илгари сурилган тезислар ушбу умумлашмаларнинг энг теран ифодасини ташкил этади. Мунаққид “Маймун етаклаган одам” ҳикояси чоп этилган санани ўзбек насри учун фавқуллода воқеа сифатида баҳолайди. Муаллиф салкам бир асрлик ҳикоячилик тарихида шу биргина ҳикоя қандай қилиб фавқуллода ҳодиса бўлиши мумкин, деган саволни қўяди ва ўзи шундай жавоб бера-

ди: “Назар ана шу биргина ҳикояси билан умр шомини бошидан кечираётган катта бир тузум устидан ўзининг бадий ҳукмини ўқиган эди. Унинг тили-тасвири бешафқат, баъзан меъдага тегадиган даражада қора бўёқларга бой, лекин ифодалар бешафқатлиги, қора рангнинг қуюқлиги замирида бедод тузум туфайли барбод бўлган умрга, умрларга нисбатан раҳм-шафқатга тўла эди”.

Албатта, адабиётшунос олимлар томонидан илгари сурилган фикр-мулоҳазалар адабий жараёнда Назар Эшонқул ижодининг “жон томири” ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилди. Бу ҳол адиб ҳикоялари, роман ва қиссалари монография ва тадқиқотларда манба сифатида ўрганилганда яна бир бор ўз тасдиғини топди.

ТАҲЛИЛЛАР ВА ТАЛҚИНЛАР ЁЗУВЧИ АСАРЛАРИ АДАБИЁТШУНОСЛАР НИГОҲИДА

Жумладан, Гулноз Сатторова “Миллий характер ва бадий талқин” номли монографиясида “Истило” (кейинчалик “Эволюция”), “Маймун етаклаган одам”, “Ажр” ва бошқа ҳикояларни ёзувчининг миллий характер яратиш маҳорати нуктаи назаридан ўрганади. “Истило” ҳикоясида қаҳрамон характери қирралари психологик жиҳатдан ишонарли ёритилгани, бир вақтлар аждодлари ёвқур, ботир бўлган “У”нинг кўркүв ва таъкиблар туфайли кўзичоққа эврилиб қолиши давр фожиалари билан боғлаб талқин этилади. «Оқибатда асар қаҳрамони қиёфасидаги миллат ўзлигини, ўзининг миллий қиёфасини йўқотди. Искенор бир кўзичоққа айланади. Ушбу ҳикоя тарихий қиммати билан бирга жуда катта руҳий тарбиявий аҳамиятга ҳам эга. Ёзувчи тарих воқеалари орқали бутун миллатга эрк ва озодлик ғояларини тараннум этади», деб ёзади Г.Сатторова.

Тадқиқотда “Маймун етаклаган одам”, “Ажр” ҳикоялари ҳам давр ва шахс фожиалари нуктаи назаридан талқин этилади. Тадқиқотчи таҳлилларида ижтимоий-эстетик ёндашув асосида миллатнинг шўро давридаги фожиали кечмишига эътибор қаратиш сезилиб туради.

«Ажр» ҳикояси таҳлилида воқеликни

диний-фалсафий мотивлар орқали талқин этишга эътибор кучаяётгани таъкидланади. Ҳикоядаги ота ва ўғил қисмати Д.Алигъерининг «Илоҳий комедия»сидаги ота ва бола, А.Ориповнинг «Жаннатга йўл» драматик достонидаги ота ва ўғил образлари билан қиёсан таҳлил этилади. Таҳлил асосида ушбу асарнинг яратилишида диний ривоятлар, Қуръон ва ҳадис сабоқлари таянч вазифасини утагани ургуланади. Бу ҳол 90-йиллар адабиёти учун ўзига хос бадий тамойилга айланаётгани, ушбу воситалар асосида адиб асарда ҳар бир инсон бу дунёга бир синов учун келиши, қилган хоинлиги-ю падарқушлиги учун бу дунёда бўлмаса, боқий дунёда, албатта, ажр муқаррарлигидан огоҳлантираётгани ёритилади.

зират фожиаси, эркаклик шаъни ва аёл ҳиёнатининг фожиавий қирралари ана шу “икки қирғоқ” оралигида содир бўлиши, воқеалар ривожининг гоҳ у қирғоқда, гоҳ бу қирғоқда кечиши адиб услубининг ўзига хослигидан далолат.

Тадқиқотчи “Момоқўшиқ”да “қўшиқ” адиб услубини белгилловчи асосий поэтик ҳодиса эканини, ёзувчи қўшиқ орқали ўз-



лигидан “бегоналашган”ларга, уларнинг қирланган маънавий оламига таъсир кўрсатишни ният қилганини таҳлил билан асослайди.

Ф.Бурҳонов тадқиқотида «Тун панжаралари» қиссасидаги осмону фалакка кўтарилган бир тутам нурнинг «сен» даражасида юксалишидан тортиб, ерда ёнма-ён юриб йўлдан оздиришга уринаётган шайтон тимсолларига муносабат билдиришгача бўлган жараён қамраб олинади. Асарда тасвирланган адиб ҳаёлий оламини безовчи Турсорияга эътибор қаратилади ва асар концепциясида унинг муҳим аҳамият касб этиши таъкидланади.

Тадқиқотчи Н.Эшонқул асарларининг ижтимоий моҳиятини «Қора китоб»даги шайтон қиёфасининг чизилиши, асар хронологиянинг юз йил қилиб белгиланиши, «Хароба шафар сурати»да акс этган хароба ва вайронагарчиликлар тасвири, «Тобут»да бутун бошли шахарнинг тобут шаклида қурилиши тасвирларини тоталитар тузумнинг метафориклаштирилган суратда ифодаланганида кўринади. Ёзувчи асарларига ҳос бундай ижтимоийлашув уни фарқ модернчи адиблар асарларидан фарқлаб турувчи асосий омил эканини таъкидлади.

Мархабо Қўчқорова ўз тадқиқотида ёзувчи асарларини шартлиликнинг муҳим воситаларидан ҳисоблаган метомарфоза ва абсурд фалсафаси билан боғлаб талқин этишга ҳаракат қилади. Тадқиқотчи метомарфозага “эврилиш мотиви” деб таъриф беради. Қаҳрамонларининг бошқа жонзодга айланиб қолишидек ноанъанавий усул адиб ижодида ўзига хос тарзда бўй кўрсатиши ва ижодкор бадий-эстетик мақсадни ифодалашга хизмат қилишига эътибор қаратади ва бунинг ёрқин мисоли сифатида Ф.Кафканинг “Эврилиш” ҳикоясини таҳлил қаратади. М.Қўчқорова қиёсий таҳлиллар орқали “Баҳордунининг ити” ҳикоясини таҳлил қиларкан, шундай хулосага келади: “Н.Эшонқул ҳикоясида одамни итга эврилиштириб, ўзбек халқ оғзаки ижодида қадимдан мавжуд бўлган метомарфоза мотивидан фойдаланиб, мана шундай одамни сескантириб юборадиган модернистик ҳикоя намунасини яратди”.

Бироқ тадқиқотчининг пишик-пухта таҳлиллардан кейин ёзувчи “метаморфоза мотиви”дан фойдаланиб ўз қаҳрамонларини эврилиштириб тасвирлаганда қандай бадий мақсадни қўзлаган, деган саволга жавобан анчайин жўн хулосаларни баён этади. “Н.Эшонқул ҳикояда одамни итга эврилиштириб... 200... йиллар теграсидаги даҳшатли бюрократик иллатлар ва сохта фаровонликни фош этувчи оригинал ҳикоя ёзди”.

Бу хулосалар бир қатор саволларни юзага келтиради. Наҳотки, ёзувчи ўз асарларини давр муаммоларини кўтариб чиқриш учунгина ёзган бўлса? Наҳотки, ёзувчи қўзлаган поэтик усуллар, рамз ва метафорик образлар, тимсоллар давр муаммоларини кўтариб чиқриш учунгина ишлатилган бўлса?

Албатта, бу қисқа кузатувларда истеедодли ёзувчи Назар Эшонқул ижодининг адабиётшунослик ва танқидчиликдаги талқинларини тўла қамраб олиш мушкул. Бунинг учун алоҳида тадқиқотлар зарур. Энг муҳими, қандай талқинлар бўлишидан қатъий назар, адабиёт илми адиб ижодида бедарф эмас. Яратилаётган тадқиқотлар шундай хулосага изн беради.

Қурдош ҚАҲРАМОНОВ,
Тошкент давлат педагогика
университети профессори,
филология фанлари доктори

СИЗГА МАКТУБ ЁЗМОҚЧИ ЭДИМ

Шарифа САЛИМОВАга

Мен Сизга мактуб ёзмоқчи эдим... Бундан роса қирқ йил олдин. Унинг сатрларидаги титроқлар, ҳаяжонлар ифодаси фақат ўзимга таниш эди. Қўлимга қалам олардим уйланиб қолардим. Мактуб — дилларни бир-бирига боғловчи ришта. У риштан қуриб, ушлаб бўлмаса-да, парвози бурғутникидан баланд! Тоғлардан ошиб ўтиб, уларни ортда қолдирди. Денгиз, дарёлар устидан ҳатлаб орзуга йўл очади. Унда қалбнинг изҳори СЎЗ бўлиб тўқилади ва кўнглига кириб борса, мўъжизага айланади. Ана шу сирли дунёнинг дарчасидан тўшаётган нурнинг толаси мени қоғоз-қўчаларга қўйган қадамимни қаттиқроқ ва охиштароқ босишим кераклигини аңлатарди.

Мен мактуб ёзишга чоғланган дамлар 1982 йилнинг баҳори эди. Сизнинг “Саодат” журналида чоп этилган туркум шеърларингиз ва нимтабассум суратингиз ҳамон кўз ўнгимда. Мамнун қиёфанигиз қувшининг дамини кесарди.

— Ўзимизнинг қизимиз, — деганди адабиёт ўқитувчимиз Ҳасан ака Ибрагимов. — Поитахти азимда Паркентнинг фахри бўлиб юрибди...

Устоз Сизнинг таржамани ҳолингиз, ижодингиз ҳақида гапирарди. Мен эса китобларингизни ўқиб, шеърларингизни ёд билардим, ичимда тақорлардим. Ёзадиган хатларимнинг мазмунини ҳаёлимдан ўтказардим. Қўлимга қалам тутганимда уйлағанларимни қоғозга туширолмаганимда қоралмалардан воз кечардим, мактуб ёзиш эса ниятлигича қолаверарди.

Китобингизни варақлайман. Кўнгил ҳамиша болаликка талпинади. Унда излаганингни топдим деганда, улар муқояса қилиб бўлмас завороти билан сени ҳаяжоннинг остонасига етаклайди. Бунда қўлингдан тутмоқни ихтиёр қилган ҳар қўмак титроқ солади. Осмонга термуласан... ерга разм соласан! Самимий ва сирли мактубларнинг шитирлири эшитилади. Замину фалак оралиги гоҳо бир қарашлик нигоҳингга жам бўлади. Гоҳо минг йил юрсанг ҳам адоғи қўниммас йўлга айланади. Бир зумгина толган ҳаёлинг деворларини мактубларнинг овози чертаётганга ўхшайди. Бу аср ифодасини аңламоқ истайсан. Аммо... қадамлар шашти жадаллаб, елканли кемаларнинг сафаридадан огоҳ этувчи кўнглик чалинади. Ўйларинг — мактубларнинг қатларидаги сирлар шивирга айланиб, денгизнинг қўноғига қуйилади. Денгиз қафтлари билан қўлоқларини тўсади. Бошларини силқийди. Мийингда қулиб қўяди. Осмонни ўзиники қилган офтоб жилмаяди. Мен уни эшитгандай бўламан, кўргандай бўламан. оҳахталаман. Ўзимга сиймайман. Боладек шодланаман.

Бу Шоира сўзининг ранглари эди. Унинг рангидан кўз узгим келмасди. Унинг ҳарорати роҳат ва озор оралиги эди. Жозиба сеҳрлаб кўярди, ўйга толдирарди. Сўз зийёси шундай! Нур ичига тушган кўнгил излаганини топгиси келади. Қалб илдизларигача оҳорли либосда кўнгил хоҳишини бажо айлашга қодир бўлади. Изғиринда куртаклаган дарахтлар юракнинг туб-тубидаги изтироблардан унган сабр майсаларига ўхшаб кўринади. Атрофда қай фасолигини унутасан, ўйларингга кутганинг — қўтилмаган кунларда бир нур бўлиб кириб келади. Бу манзил оралиги — синовнинг курашга бел боғлаб эришган қай бир марраси эди. Йўқотилган вақт ва умрнинг энг азиз онларини сарфлаб топганинг — неъмат эъзозлаганимда янаям қадрли бўлади. Шундай! Етган манзилнинг — кўним топган маконинг орзуинг эмас, асло! Йўлингизда ихтиёр этгунча давом этсанг, йўқотганларингдан эмас, қаламдан топганингдан ҳаловат кўрсанг... улар шоира тафаккурим, ижод меросини варақлаганимда сабоқ олсан.

Бобур Мирзо айтди: “Сўзи орқали одамнинг ўзини қўриш мумкин”.

Донишмандлар эса, сўз амалнинг сояси, дейди. Мен мактуб ҳақидаги режамга кўз югуртираману, шеърларингизни ўқишда давом этаман. Тонг чоғи кўтарилаётган қуёш юракларимизга нурнинг ирмоғини етаклаб қиради. Туйлақаримизнинг қатимланган чоклари узилади. Ҳаётга ташналик, умр шиддати бир зумда ўз оғушига олади. Қалб ҳарорати қаламга кўчади, оппоқ қоғозларга тўқилади:

Наҳот дардақаш одам, жафокаш одам
Кунда эмас, ойда бир ёдга тушгай...

Ўқиганим заҳоти ёд бўлган мисралар ичимга чўғ ташлайди. Бу куйдирадиганим ё нурлантирадиган ҳолат! Англомали қоламан. Самимий, содда изҳорнинг оддий ифодаси шоира кўнглидан ўқувчи кўнглига кўчган таниш манзара. Буй баста билан ўзингизнига айланган кечинчи.

Мени мактуб ҳаёли тарк этмасди. Абу Лайс Самарқандий айтди: менинг борар манзилим бир кунлик йўл эди, қирқ йилки, унга етолганим йўқ. Талабаларининг иккинчи йили сеvimли ёзувчимизнинг тавсияси билан Ўзбекистон радиосига — Сизнинг ҳузурингизга бордим. Мактубимдан олдин ўзим етиб боргандим. Ушанда куз эди, орадан ўттиз етти куз ўтди. Етмиш икки томириимизнинг ўттиз еттиси уланди, гоҳида чокланди. Кузининг баракасини, тотини топтиқ. Гоҳида аёз урган боғларини кўрдик. Қўлатилаётган чинор ёнида



Сизнинг кимлигингиз — борлигингизча кўз ўнгимга муҳрланганим, Инсон, Дўст, Ижодкор қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги ҳақиқат улар.

Сиз дунёнинг каму кўстларини нозик табассумингиз билан пардалайсиз. Изтироб, азобларини синов деб қабул қиласиз. Сўнгги чакангизгача яхшиликка сарфлаб, жавобидан дунёнинг хира тортидада кўзларингиз намланади. Ўйингиздаги арзигулик буюмга ҳаридор излайсиз. Яхшиликнинг муқофоти шумикин, деб ўйлагандим ўшанда. Кейин билсам, эзгуликнинг ажри вақти соати билан бериларкан. Сизнинг табассумингиз ҳам посанги. Мезонларни, ҳолатларни тенглаштириб туради. Айтадики, қувонганда совуқ, изтиробда иссиқ кўз ёш тўқиларкан одамзотдан. Ўта сезгир ҳамроҳингиз ҳам Сизнинг гавҳар томчиларингиздаги ҳароратни фарқлолмас, балки. Гоҳо кескирилингиз эса бир шоиранинг эркалиги бўлиб кўринади менга. Айтаётган — юрагингиздан тўқилаётган сўзларингизда Сизнинг ўзингизни, илм ва жисму жонингизни кураман. Фикр — тафаккуринг меваси, дейди. Сизнинг қишлоғимиздек саховатли, самимий, офтобли кўнлардек ёруғ сатрларингиз бунинг бир кўриниши.

Мен Сизга мактуб ёзмақчи бўлган кунларимни эсласам, йўл олис, ерлиқ ундан ҳам ниҳоясиз эди. Журъатинг эса депсиниб турарди. Кейин эса жигардек бир яқинлик, гоҳида ўртамизга тўсиқ ташлаб синаян бўлса-да, эт билан тирноқ БИР эди. Масофалар бир қадам бўлгани яна. Яхши кунларимда Опамдек қувонч улашувчим СИЗ бўлдингиз! Синовли кунларимда елкамдаги Сизнинг қўлингиз эди. Аңлаганам, ёнимдаги одам ичимдаги устунинг сўз илғамас мадори эди. Шундай...

Қарздорлик эса ҳануз менинг елкамда...

Фарзанд — Аёл — Она бўлиб, келин, жону жигар бўлиб, ким бўлганингизда ҳам зимингиздаги вазифани аъло бажарганингизни сингил бўлиб айтмоққа зигиртаккина ҳаққим бордир балким. Юртнинг бир шоира аёли босиб ўтган айтгулик йўл шундай бўлса керак-да.

Мен Сизга мактуб ёзмақчи эдим. Уни йигирма, йўқ, ўттиз йилдан кейин юбормоқчиман. Қирқ йил ўтганда бу нима деган гап!..

Ўша кунлар, албатта, келишини қодир эгамдан сўраб қолувчи синглингиз

Дилфуза ШОМАЛИКОВА

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Учинчи қисм “Мутафарриқа фавойид ва амсол сурати” (Гузэл хулқларнинг натижаси ва ёмон хулқларнинг қабихлиги) дея номланиб, “танбех” дея аталувчи қисқа парчалардан тузилган. Уларда кўп ейиш, кўп гапириш, худбинлик ва ўзига бино қўйиш, гофиллик, эҳсон, саховат ва ҳиммат, қарам ва футувват, мурувват, вафо ва ҳаё, ҳилм, дўстлик, сиёсат одоби, фосиқ олимларнинг зарарлари, мол-дунё ва нафс, гузал сўз ва суҳбатлашиш одоби, султонлар билан муносабат ўрнатиш одоби, тўғри йўлдан кетишнинг фойдаси, ичкиликнинг зарарлари, ёшлик ва кексалик, қомил мурушдиннинг аҳамияти, сафарнинг фойдалари, бадан ва руҳ саломатлигини сақлаш йўллари каби жуда кўп мавзуда ҳаётини билимлар, ўғит ва қоидаларни жамлаган ҳикматли сўзлар асосида фикр юритилган.

ҲАР КИМ ЎҚУСА НАВОЙНИ...

“Маҳбуб ул-қулуб”нинг 26 та қўлёзмаси мавжудлиги аниқланган. Шундан оптитаси Туркиядаги қутубхоналарда сақланади. Булар орасида энг қадимиси 1554 йилда қўчирилган қўлёзма бўлиб, айна пайтда Париж миллий кутубхонасидадир.

Башарият аҳлига улкан адабий мерос қолдирган улғў сўз санъаткори Алишер Навоий бобомизнинг ижодий ҳазинаси, ҳеч шубҳасиз, бепоян уммон. Агар юксак иқтидор ва чуқур илм соҳиб бўлсангиз бу уммоннинг тубига қадар шўнғиб, дуру жаҳоҳирларни териб чиқасиз. Уммон аякинга борганда эса Навоий асарлари моҳиятига етиш учун нафақат туркий, араб ва форс тилларининг имкониятларини, балки ислом динини, тасаввуф таълимотини ҳам чуқур билиш, Навоий ахлоқи билан ахлоқланиш лозимлигини аңлайсиз. Оддийгина дуруст одам бўлишинг ҳам бир қанча шартлари борлигига, лойида қорилган вужудимизда нафақат раҳмоний туйғулар, орзу ва интилишлар, балки шайтоний, ҳайвоний майл-истаклар ҳам тўхтовсиз ҳаракатланишига яна бир қарра амин бўласиз.

Бобомизнинг мумтоз мусаввирларимиздан Камолiddин Беҳзод, Маҳмуд Музаҳҳиб, замонавий рассомларимиздан Абдулҳақ Абдуллаев, Неъмат Ҳақимов томонидан яратилган сиймосига боқиб, бу улғў зот ҳатто бадахлоқ, ёмон кимсаларга нисбатан ҳам ниҳоятда зарифлик ва юмшоқлик билан муносабатда бўлган деб ўйлайсиз.

Аммо “Маҳбуб ул-қулуб” асарини ўқиганингизда бобомиз ўз касбияга нолойиқ айрим инсонларни жуда аччиқ сўзлар билан қоралаганини кўрасиз. Навоий ушбу асарига ўзи яшаган жамиятда мавжуд даярли барча касблар ҳақида тўхталиб, айрим касб

эгаларининг яхши ва ёмон амалларини ажратади. Инсон деган шарафли номга номуносиблар ҳақида кескин фикрлар билдиради. Масалан, маҳоратли табибнинг шафқатини ўлган инсонлар танасига нафаси билан жон киритгувчи Исо алайҳиссалом хизматига тенглаштиради. “Исо иши чиққон жонни танга кивурмақ дуо била, мунунг тандин чиқадурғон жонга монёе бўлмоқ даво била”, яъни Исо алайҳиссаломнинг иши дуо билан чиқётган жонни танга киритиш бўлса, табибнинг иши беморни даволаб ўлимдан асраб қолиш эканлигини айтади. Бундай табибнинг қиёфаси инсонларга нажот ва обихаёт — тириклик сувини улашувчи Хизр алайҳиссаломга ўхшатилади. Аммо тажрибасиз, омиё, илмсиз табиб эса жаллоднинг шогирдидан дейди. Унис тиг билан, буниси заҳар билан жонингни олади. Ҳатто омиё табибдан жаллод яхшироқдир, чунки у гуноҳорни қатл этади, бу эса бегуноҳни

дейди. Навоий бобомиз котиблар ҳақида сўз юритганда уларни сўз хазинасининг хазинадори дея шарафлайди. Лекин ёмон котиб ҳақидаги сўзлари қарғишга ўхшайди: “Ямон котиб манзили қаламдонидек чоҳ аро бўлсун, қаламидек боши аро ва юзи қаро бўлсун”. Ҳўйла билан фаво қичқарадиган ёки ҳақни ноҳақ дейдиган фосиқ ва ғаддор муфтийлар, илмсиз, омиё ва ришваҳўр қозилар ҳақидаги сўзлари эса бундан-да кескин, бундан-да кескирдир.

“Маҳбуб ул-қулуб”нинг биринчи қисмини ўқиб, Навоий бобомиз ўзи мансуб бўлган жамиятдаги жуда кўп иллатларни аёвсиз фош қилганига амин бўласиз. Бу фош қилинган иллатлар инсоният билан дунё ҳаётининг сўнгги онларига қадар боришга имон келтирасиз. Чунки бугун дунёда Навоий бобомизнинг мазкур асарида тилга олинган ҳеч бўлмаса битта муаммо билан дуч келмаётган жамиятнинг ўзи йўқ. Модомики, “Маҳбуб ул-қулуб”да инсоният жамиятида тоабад мавжуд бўладиган долзарб масалалар тилга олинган экан, биз бевосита шу улғў зотнинг авлодлари сифатида мазкур асар моҳиятини жуда теран аңлаб олишимиз, ҳар бир касб эгалари унга қараб ўзимизни тузатишимиз, меҳнат жамоасида қандай ишлашни ва бу дунёда қандай яшашни белгиллаб олишимиз зарур бўлади. Забардаст олимларимиз томонидан “Маҳбуб ул-қулуб”га шарҳлар ёзилиши, дунёнинг турли давлатларида сақланаётган нусхалари синчиқлаб ўрганилиб, улар асосида танқидий матнининг яратилиши муҳим ҳам жуда фойдали иш бўлар эди.

Алимардон ҲАЙИТОВ,
филология фанлари номзоди

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Хуршиднинг асл исм-шарифи Шамсиддин Шарафиддинов бўлиб, у 1892 йил 10 майда Тошкент шаҳрининг Себзор даҳаси, Шокиргузар маҳалласида боғбон оиласида туғилган. Олти ёшидан бошлаб Қоҳотадаги Мирза Халил қори, сўнгра Хўжатараш-кон маҳалласидаги Исмаи қори мактабида таълим ола бошлаган. Сўнгра Шайхонтахур даҳасидаги Мулла Зийвуддин мадрасасида таълим олишда давом этган. У мадрасада билим олиш билан бирга ўзбек ва форс мумтоз адабиётининг Шайх Саъдий, Низомий Ганжавий, Алишер Навоий, Мухаммад Фузулий сингари улуғ намоёндалари таъсирида Хойб, Шарофзода Шоший, Доий, Шарофзода Тошкандий тахаллуслари билан шеърлар ҳам ёза бошлаган.

“Шамсиддин Шарафитдинов, — деб ёзади шоир ва драматургининг қизи Раҳима Шарафиддинова “Шамсиддин Шарафитдинов Хуршид архиви каталоги” китобида, — 1910 — 1918 йиллар давомида Андижон шаҳрида яшаб ижод қилди”. Хуршиднинг ёшлик йилларида Андижонга бориб яшашининг асл сабаби отасининг вафот этгани ва қийин аҳволда қолган илгитчанин андижонлик таниш бир боининг кўлида приказчик бўлиб ишлагани ва қадди-қоматини тиклаб олганидир.

Хуршид ижодий фаолиятининг бошланиши ҳақида турли муаллифлар турлича маълумот беришган. Аммо қамнага ўзбек театрининг атоқли арбобларидан бири Музаффар Мухамедовнинг қўлидаги хотираси ҳақиқатга яқин қўринади. “Мен, — деб ёзган эди М.Мухамедов, — бу муҳтарам зот билан ҳамкорликда ишлаган бўлмасам-да, унинг ижоди билан 1918 йил куз мавсумидан таниша бошладим. Мен уша вақтда 2-Мерганча маҳалласидаги “Турон” мактаби қошида ташкил этилган муаллимлар тайёрлов курсида ўқиб, Ҳамза Ҳакимзода Нийёзий раҳбарлигидаги “Турон кучи” театр тўғрагида ҳаваскор артист бўлиб ҳам шуғулланар эдим. Хуршид эса Хадрадаги “Намуна” мактабининг “Темур тўдаси” деган кечки курсида таълим олиб, мазкур мактабда она тилидан дарс бериб, муаллимлик билан шуғулланган ва шу мактабдаги турли тўғрагида болалар ҳаётига, ёшлар тарбиясига мос саҳна асарларини ёзиб, ўзи “артист”ларга суфлёрлик қилган.

Уша “Намуна” мактабининг саҳнасида, Эски шаҳар Ишчилар клубида, Чат расасидаги “Шарқ саҳнаси” каби жамоат биноларида “Темур тўдаси” театр тўғраги ҳаваскорлари ижросида томошабинларга тақдим этилаётган Хуршиднинг асарларини томоша қилиб, анча баҳраманд бўлганман. Хуршид ҳам дастлаб “Темур тўдаси” томонидан, кейинча Карл Маркс номидаги Ўзбек давлат труппаси томонидан биз қўйган спектакллари тарқ этмай, доим келиб қўрар ва режиссёримиз Маннон Маждидий (Уйғур) билан суҳбатлашар эди”.

Хуршид 1920 йилда мактаб ва маориф соҳасидаги ишларидан ажралмаган ҳолда Биринчи ўзбек драма труппаси фаолиятида ҳам иштирок эта бошлайди. Шу йилларда ўзбек ва озарбайжон театрлари ўртасидаги ижодий алоқа ўзбек театрининг шаклланишида муҳим омили вазифасини бажарётган ва шу сабабли озарбайжон театр труппаларининг “Лайли ва Мажнун” (Фузулий достони асосида Узеир Гажиев либреттоси ва мусиқаси), Наримон Наримоновнинг “Шодмонбек”, Хусайн Жовиднинг “Шайх Санъон” ва “Иблис” сингари машҳур асарлари ўзбек театрларида зўр муваффақият билан намойиш этилаётган ва бу асарларнинг аксари Хуршид қалами билан ўзбек тилига ўғирилган эди.

Ана шу таржимонлик фаолияти даврида орттирган тажрибаси Хуршиднинг Навоий достонлари асосида “Лайли ва Мажнун” ҳамда “Фарҳод ва Ширин” мусиқали драмаларини яратишида муҳим ижодий мактаб вазифасини бажарди.

Хуршиднинг адабий оламига кириб келиши, бир томондан, ўзбек жадид адабиёти шакллана бошлаган, иккинчи томондан, 1917 йил Февраль, айниқса, Октябрь воқеаларидан кейин ўзбек зиёлилари орасида ҳам инқилобий қайиш қарор топа бошлаган вақтга тўғри келди. Турли ғоялар кураши авж олган даврда ёш санъаткорнинг бирдан-бир

тўғри ижодий йўлни танлаши осон эмас эди. Хуршид худди шу вақтда Карл Маркс труппаси билан ижодий алоқа ўрнатиб, “Ёмон ўртоқ”, “Жувонбозлик қўбони”, “Туганмас бойлик”, “Кичик аскар”, “Жадид — қадим” сингари саҳна асарларини ёзган ва бу асарларда инқилобий кураш руҳидан қўра жадидчилик руҳи устуворлик қилган эди. Уша йилларда Узеир Гажиевнинг “Лайли ва Мажнун” мусиқали драмаси таъсирида Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” ҳамда “Лайи ва Мажнун” достонларини ҳиж-жалаб ўқишга киришган.

“1924 йилда, — деб ёзилган Хуршиднинг қай-ларидан бирида, — Навоийдан тема олиб, халқ ҳикоясига асосланиб, “Лайли-Мажнун”, “Фарҳод-Ширин”ларни мусиқали драма ҳолида ишладим”. “Фарҳод ва Ширин” драмасига оид қайдида эса, Хуршид бундай маълумот берган: “Бу асар Навоий достонига асосланиб, 1924 йилда Хуршид томонидан ишланиб, тема-сўзлар жиҳатидан Навоийга мувофиқ бўлиб, 1925 йилда нашр қилинган”.

Хуршиднинг ёшлик йилларидаги дўсти, таниқли бастакор Шораҳим Шоумаров эса, шу воқеа ҳақида бирдан-бир ишончли шундай маълумотни берган: “Мен Шамсиддин Хуршид билан инқилобдан олдинги йилларда танишганман, десам хато қилмайман... Хуршид билан менинг яқинлигим, айниқса, 1918 йилдан жиҳдий тўла ола бошлади. У ёзиб тайёрлаган бир қатор саҳна асарларига мен қуйлар тайёрлаб берар эдим. Қўпинча биз Жангтоҳ рўпарасидаги “Роҳат боғча”да қўлиб кетардик. “Фарҳод ва Ширин” мусиқали саҳна асарини яратиш ҳақидаги

ХУРШИД ВА ЎЗБЕК МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРИ

фикр-мулоҳазалар ҳам бизга ана шу ерда келган эди, десам хато бўлмас керак. 1919 йилнинг нав-бахори эди. Мен “Роҳат боғча”да бир неча ўртоқларим билан танбур чертиб ўтирар эдим. Ораминда Хуршид ҳам бор эди. Ана шу ўтиришда Хуршид ўзининг янги саҳна асари устида иш олиб бораётгани ҳақида сўзлади. Бу асар машҳур Фарҳод ва Ширин ҳақидалигини ҳам айтиди...”

(Бу хотира 1918–1919-йилларга оид. Бизнинг навоийшунос олим бўлиб шаклланажак буюқларимиз бу вақтда чиллак ўйнаб, Тошкент кўчаларини чангитиб юрган эдилар...)

Фузулий асари асосида ёзилган Узеир Гажиевнинг “Лайли ва Мажнун” пьесасидан ғоят мутассир бўлган Хуршид илк шеърлари билан қалам ахли даврасидан муносиб ўрин эгаллай бошлади. “Шу йилларда, — деб ёзган санъатшунос Баҳридин Насриддинов “Хуршид” деган монографиясида, — Шамсиддин Шарафиддинов таниқли журналист ва театр танқидчиси Мирмулла Шермухамедов “Буф” номли клуб-рестораннинг хўжайини Александр Туманян, “Музыка-драма” жамиятининг аъзоси Сергей Хачатуровлар билан яқиндан танишди ва ижодий алоқада бўлди. Мирмулла Шермухамедов ёш ижодкорда театр санъатиға бўлган қизиқишини ҳар томонлама рағбатлантирди. Шамсиддин “Аполло” театрида “Лайли ва Мажнун” (1914), “Турон” номли ўзбек ҳаваскорлар театрида М.Бехбудийнинг “Падарқуш” спектаклини томоша қилди ва улар унинг хотирасида учмас из қолдирганди”. Яна шу муаллиф берган маълумотга қараганда, Хуршиднинг 1912 йилда ёзилган “Бечори волида ёҳуд Савдогар хотини” мусиқали драмаси 1913 йилда Андижондаги “Художественное кино” кинотеатри саҳнасида намойиш этилган; у шу йили мазкур пьесасини тамомила қайта ишлаб, унга “Ориф ва Маъруф” деган ном берган; 1918–1919-йилларда эса “Шарқ саҳнаси”да “Қизил аскар” мусиқали драмасини намойиш этишга эришган.

Ўзбек театри тарихининг бу бошланғич даврида драматургия жанрларининг назарий масалалари ҳали ишлаб чиқилмаган эди. Шунинг учун Хуршид ҳам, Ғулом Зафарий ҳам, бошқа илк ўзбек драматурглари ҳам шу йилларда яратган бир пардали мусиқали пьесаларини “опера” деб тайиеришган. Бу ҳол уларнинг драматургиянинг назарий масалаларини урганмасдан туриб, озарбайжон ёки бошқа

миллий театрларнинг мусиқали драмалари таъсирида ижод қилганларини англатади. Қизиги шундаки, Ҳамза, Фитрат, Ғулом Зафарий, Хуршид сингари ёзувчилар бирор ижод мактабини ўтамай туриб, ўзларининг “Бой ила хизматчи” ва “Майсаранинг иши”, “Ҳалима” сингари қарийб 40-йилларга қадар ўзбек халқини ларзага келтирган саҳна асарларини ёзишга муваффақ бўлишган.

Модомики, баҳс драматургия асарларининг назарий асослари билан чатишган экан, шунга айтиш керакки, драмага қараганда мусиқали драма жанри ижодкордан икки фавқуллодда муҳим нарсани талаб этади. Бу икки нарсадан бири драматургда адабий истеъдоддан ташқари, мусиқий истеъдод ҳам бўлишини, жуда бўлмаганда, мусиқа санъатини, хусусан, миллий мусиқа намуналарини яхши билишини тақозо қилади. Бизга шу нарса маълумки, яқин-яқингача ҳар бир ўзбекнинг хонадонига дутор, танбур, най сингари мусиқа асбоблари бўлган. Оилавий байрамларда оила аъзоларидан қаида иккитаси шу асбобларнинг бир нечасини чалишни билган. Биз

тилга олган драматурглр ва уларнинг аксар сафдошларида ҳам мусиқани ҳиссиёт аъзолари орқали тинглаш, ҳис қилиш ва ундан завқ олиш қўбилияти (“слух”) идеал даражада бўлган. Шу ҳол уларга ариал, дут, хор учун ёзилажак шеърий матнларни муайян мумтоз миллий куй ёки мумтоз халқ ашуласи оҳангида ёзиш имконини берган. Фитрат ҳам, Ҳамза ҳам, Ғулом Зафарий ҳам,



балар асосида Хуршид шеърларининг яратилиши ва нашр этилишини хронологик тартибда ўрганиш имкони бўлмаганидек, шоирнинг ижодий эволюцияси тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил қилиш ҳам қийин. Шунга қарамай, айтиш мумкинки, Хуршид XX асрда яшаган ўзбек мумтоз, арузнавис адабиётининг ёрқин вакилларида биридир. Аммо, бизнингча, унинг шеърий асарларини тарозининг бир палласига, шеърий йўл билан ёзилган асосий саҳна асарлари — “Лайли ва Мажнун” ҳамда “Фарҳод ва Ширин” достонларини эса, иккинчи палласига қўйилса, шеърий драмалар тоши вазминлик қилади.

Хуршид Навоий достонлари асосида ёзилган дастлабки икки мусиқали драма устида қарийб бутун умри давомида ишлаганига қарамай, бу асарларни барқамол бадийи асарлар сифатида баҳола-сак, хато бўлмайди.

Арузнавис шоир асарларининг, масалан, совет даврида ижод қилган Ҳабибий, Собир Абдулла, Чархий, Восит Саъдулла, Акмал Пулат сингари шоирларнинг асарларидан фарқи шундаки, Хуршид ижодида 15, 13, 12, 10 ҳижоли ғазаллар оз эмас. Хуршид нима учундир ҳар сатри дафтарнинг бир саҳифасини эгаллайдиган кўп ҳижоли мураккаб ғазалларни ёзишга мойил шоир. Унинг қаламқаш биродарларидан иккинчи фарқи шундаки, у ғазалларида авло, осо, илож сингари “истиқболсиз” сўзлардан ҳам қофия ва радиф сифатида фойдаланишга мойил бўлган. Лекин шунга қарамай, у

арузнинг асосий талаби мусиқийликка қатъий риоя қилади:

Масалан:

Ул пари не бўлди мен шайдога

қилмас илтифот,

Ишқиде девонау расвога қилмас илтифот.

Хусн аро танҳо эрур пардоз учун йўқ эҳтиёж.

Шу сабабдин зеб ила орога қилмас илтифот..

Ёки:

Жисми одам бўлма,

билғил одамийлик расмини,

Сўзламак бирла фақат инсон

қатор этмак абас.

Гарчи инсонлиғ нишони

сўзламақ, сезмак эрур.

Ўзни ёлғиз бу билан одам

шумор этмак абас..

Яна:

Магар ор этди дилбар

мен қўлини бенаво кўргач,

Мени пир ўйлағондур қадрид

қаддим дуто кўргач.

Асоға така қил, дер шар

ҳолимдан хабарсизлар,

Деган бир чол гадо ул пари

қаддим расо кўргач..

Юқорида келтирилган мисолларга хос асосий ғоявий-бадий хусусиятлар шундаки, биринчидан, уларда Шарқ шеърлигига хос аънавий шакл ва мундарижа устуворлик қилади; иккинчидан, бу аънавийлик ҳатто бадийи штамп шаклини ҳам олади; учинчидан, лирик қаҳрамон маҳбуба образини рангин бўёқлар билан кўрсатиш мақсадида ҳатто ўзини камситадиган, хору зорлик даштида яшаётган кишидек ерга уришга тайёр киши сифатида гавдаланади; тўртинчидан, лирик қаҳрамон ўзини ўзи камситишга қарамай, унинг учун ҳар бир инсон шунчаки одам бўлиб эмас, балки одамийлик фазилатларига эга шахс бўлиши керак, деган мотив аънавий образ ва мавзулар орасидан сизга жил-вақай қараб тургандек бўлади.

Ана шу поэтик хусусиятлар мусиқали драма асарларининг ҳам безакларидир.

Шеърий услубда ёзилган мусиқали драманинг бошқа шеърий асарлардан фарқи шундаки, унда қаҳрамонлар характери индивидуаллашган, ижобий қаҳрамон билан салбий қаҳрамон ўртасидаги спектаклни ушлаб турадиган конфликт ёрқин бўлиши, бунинг учун эса оқ-қора бўёқлар, оқ-қора инсоний фазилатлар, кескин фарқланувчи инсоний характерлар бўртиб туриши лозим. Зеро, санъатнинг, хусусан, театр санъатининг бош вазифаси томоша-бинга фақат эстетик завқ бериш эмас, балки ундаги ижодий руҳий энергиянинг янада куч олиши, салбий руҳий энергиянинг эса чекинishiга таъсир кўрсата олиши лозим.

Агар шу нуқтаи назардан Хуршид драматургиясининг икки гўзал намунаси — “Лайли ва Мажнун” ҳамда “Фарҳод ва Ширин” драмаларига назар ташласак, муаллиф бу асарларда халқ эртак ва афсоналаридаги сюжетнинг юзаси қалъамидан кўтарилиб, Навоий гуманизмининг асл моҳиятини тушунишга интилганини кўрамиз.

Бу ҳар икки асар бош қаҳрамонларнинг ўлими билан тугайди. Уларнинг бир-бирларига бўлган муҳаббати қанчалик олий поғонага кўтарилган бўлмасин, глобал ижтимоий зиддиятлар халқлар ва мамлакатларни ларзага солиб турган бир пайтда бу икки асарнинг севги тантанаси билан тугаши асло мумкин эмас. Ана шу лессимистик руҳ билан сурурилган ғоя нафақат Хуршид ва Навоийнинг икки асари, балки бутун жаҳон адабиётининг энг қадимги намуналаридан бошлаб ҳозиргача яратилаётган намуналари оша қизил ил бўлиб ўтади. Реал Худоси бўлмаган оламнинг фожиаси мана шундадир.

“Лайли ва Мажнун”нинг финал саҳнасининг вариантларидан бири бундай сатрлар билан тугайди:

Х о р

Бирлашди энди бу икки ғамнок,

Фитна, жафолардан бўлдилар пок.

Ким, умрларида ишқи қотил

Қилмади бир дам буларни хушдил.

Тобут ичра элтинг икковни,

Жонсиз келину ўлик кўёвни.

Ҳажр ичра тўйиб ҳамиша жондан,

Армон билан кетдилар жаҳондан.

Навоийнинг Хуршид талқинидаги ана шу сўзларида бу бевафо дунёнинг фожиавий моҳияти ўз ифодасини топган.

Хуршид драматург сифатида яна “Ойбону”, “Сийёвуш” мусиқали драмалари, “Варқа ва Гулшоҳ”, “Эски хонлар турмушидан”, “Қўқон хони қипчоқлари” сингари бир қатор саҳна асарларини ёзди. Шекспирнинг “Отелло” (“Қора араб”), Шиллернинг “Макр ва муҳаббат”, Хусайн Жовиднинг “Шайх Санъон”, У.Гажиевнинг “Аршин мол олон” асарларини таржима қилди. Огаҳийнинг “Таъвиз ул-ошикин”, Дурбехнинг “Юсуф ва Зулайхо” асарларини нашрга тайёрлади. Аммо унинг асосий ижодий хизмати ўзбек томошабинларини буюк Навоийнинг адабий-маънавий оламига олиб киритишга қаратилган ижодий ишларидир.

Навоий шундай бепеён оламки, унга қанча яқинлашаётгандек бўлсангиз ҳам, аслида, ўзингизни ундан шунча уқоқлашаётгандек ҳис этасиз.

Нақл қилишларича, Хислат эшон Хуршид билан “Роҳат боғча”да иттифоқо учрашиб қолганида: “Ҳа, Хуршедитобон! Энди ҳормасинлар! “Фарҳод”ни кўрдим. Ҳазрат Навоий “Ҳамса”сидагидек “Фарҳод-Ширин”ни тўла кўрсатмадиларинг-да!”, деб учирма қилган экан. Хуршид бунга жавобан шундай дебди: “Ҳа, эшонзодам! Саҳна катта ҳовлигиз эмас-да, ўзига ярашурли қонун-қоидалари бор. Агар “Ҳамса”даги “Фарҳод-Ширин”нинг ҳаммасини кўрсатсақ борми, кўрпа ва ёстиқларингизни олиб келиб тўрт кун кўрардингиз. Шунинг учун сизни қийнаб қўймайлик, деб асосий ва зарури ерларини ола қолдик. Ғамхўрлиги учун таъна тошларини отмасалар керак, эшонзодам!” Хислат шоир ҳам жим турмабди. У Хуршидга қараб: “Ҳа, Чаён (“Чаён” — Хуршиднинг тахаллуси. — Н.К.) ўн уч бугинида ҳам тайёрлаб турган эканлар-да!..”

Бу устозларнинг ҳазили. “Ҳазилнинг таги зил” деган гап бор...

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Саҳна асаридаги воқеалар кетма-кетлиги маълум драматургик қонуниятларга бўйсунмагани боис, спектакль шоу-концерт томошасини эслатади. Қолаверса, кўғирчоқ-персонажлар кўп ўринларда ҳаракатсиз, жонсиз бўлиб, томоша ичиде яшамаётгани кўзга ташланади.

Буюк шахсларнинг жасоратлари, илм ва фанда қолдирган улкан мероси, миллийлигимизни англатувчи қадриятлар ифодаси Самарқанд вилояти кўғирчоқ театрининг “Қанотли барс” (Ш.Усмонова), Фаргона вилояти кўғирчоқ театрининг “Самоларда учган аллома” (Ш.Муродов, С.Седухин) спектаклларида ўз ифодасини топган.

“Қанотли барс” Ўзбекистоннинг бетақдор бойлиги ҳисобланган, неча асарлардан буён сирлилиги ва навқиронлигини сақлаб келаётган “Шердор” ҳамда “Тиллақори” мадрасаларини бунёд этган саркарда Абдукарим Баҳодир Ялангтўшиннинг жасорати ҳақида ҳикоя қилади. Ижодкорлар кичик томошабинга шонли ўтмишимизни англатиш, “Регистон-ан-

ФЕСТИВАЛЬ: ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ВА ЕЧИМЛАР

самблининг яратилиш тарихини авлодларга етказишни мақсад қилган бўлиб, реал воқеалар асосини турли тўқима образлар, фантастик унсурлар билан бойитган ҳолда, тарихий-афсона жанридаги спектаклни тақдим этган.

Болалигидан ўзининг ақл-заковати билан ажралиб турувчи Абдукарим халқ фаровонлиги, юрт ободлигига умрини сафарбар этиб, нафақат ўзбек, балки қозоқ халқининг ҳам қаҳрамонига айланади. Ушбу воқеалар спектаклда ўзига хос саҳнавий ечимлар, ифода воситалари ва ноодатий кўғирчоқлар (жанг саҳналарида) иштирокида очиб берилади. Шу ўринда айтиш ўринлики, ушбу спектаклдаги ноодатий кўғирчоқларнинг бир-биридан тубдан фарқ қилиши, ҳажм жиҳатидан номуносиблиги, ҳаддан ортиқ бўрттирилгани спектакль яхлитлигига салбий таъсир кўрсатган. Қолаверса, саҳна декорациясининг актёр ҳаракатига мослашмагани томошабиннинг воқеалар

иштирокчисига айланишига имкон бермайд.

Ўзбек комусий олими Аҳмад ал-Фарғонийнинг само илмини ўрганишга оид кашфиётлари ва бу йўлдаги фидокорликлари “Самоларда учган аллома” спектаклида ҳикоя қилинади. Режиссёр Сергей Седухин спектаклни нафақат бадийи асар, балки коинот сирларига оид жонли дарс сифатида томошабин эътиборига ҳавола этади. Бу эса, ўз навбатида, томошани янада жозибали қилган. Асардаги ҳар бир воқеада ёш Фарғонийнинг илм-маърифатга кучли муҳаббати очиб берилади. Бу борада расом иши ва мусиқий безаклар катта роль ўйнаган. Бастакор Алишер Ғафуровнинг кўйларни коинотнинг чексизлиги-ю бегубор алломанинг пок орзуларини тараннум этади ва уларнинг ҳам оҳангдорлигидан саҳна асари яхлит спектаклга айланади.

Жиззах вилояти Кўғирчоқ театрининг “Хонатлас” (У.Усаров, М.Ашурова) спек-


такли ўзбекнинг миллий матоси бўлмиш хонатласнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги афсонага асосланган. Табиатан танти ва қайсар Малика гул байрамига ҳеч қимда йўқ матодан либос кийиб боришни орзу қилади. Бу истаги унга ҳатто тушларида ҳам тинчлик бермай, кучли кўркүвдан, тилдан айрилиб қолади. Дунёнинг қўллаб-таъбилади, олиму фузаларни тополмаган шифони Мурод исмли йигит гўзал хунари орқали топади. Хонатласнинг гўзал жилоси Маликанинг аввалгидек бахтиёр ва соғлом бўлишига сабабчи бўлади. Спектакль урф-одат, қадриятларимиз сингари миллий матоларимизнинг ҳам ўзига хослиги, ўзлигимизни англатувчи воситалардан бири эканлигини унутмаслигимиз лозимлигини ёдга солиб, хунарли киши хор бўлмаслиги ҳақидаги ҳикматини болалар онгига сингдиришга хизмат қилади.

Фестиваль доирасида жаҳон драматургияси намуналарига ҳам мурожаат қилинган.


саҳналаштирилган. Воқеалар қироллик саройида содир бўлиб, тажани қирол қизиқувчанлиги, шошалоқлиги, халқ тақдирига масъулиятсизлиги сабаб азийат чекади. Спектакль болаларга сабр қилиш, ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзини бошқара олиб, олға қадам ташлаш лозимлигидан сабаб беради.

Бухоро вилояти Кўғирчоқ театрининг “Фронга хат” спектаклида совуқ уруш ва унинг оқибатлари кўрсатилади. Бу эса, кўғирчоқ театрида ўзига хос янги тажриба бўлиб, унда тинчлик ва оқийшалиқнинг қадрига етиш ғояси образлар орқали тараннум этилади.


Фестиваль кўғирчоқ театрларида ўзига хос ижодий жараён кечаётгани, жамоалар янгиликка интилаётганидан далолат берди. Айниқса, бир неча йиллардан буён муаммо бўлиб келаётган кўғирчоқ театри режиссурасида олдинча қадим қўйилганга, театрлар турли мавзу ва ғояга асосланган асарларни саҳналаштиришда ўзига хос шакл ва усуллар борасида изланаётгани қувонарли ҳол.



Зейдулла Фармонов. Момо ва набиралар (2017).



Гуелма – қадимги Рим театри.



Чори Бекмиров. Хотира (2021).



Муқаддас Юрак ибодатхонаси. Оран. Жазоир.

Пойтахтимиздаги халқаро Маданият қарвонсаройида очилган "Нигох" деб номланган кўргазма Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, Миллий рассомлик ва дизайн институтининг "Маҳобатли рангтавир" кафедраси доценти Чори Бекмиров ва унинг ўн нафар шогирди ижодида бағишланди. Экспозициядан элликтдан ортиқ асар ўрин олган бўлиб, улар орасида Ч.Бекмиров ижоди алоҳида эътиборга молик. Маълумки, унинг ижодида акс этган ранглар жилоси, турфа товланиши муҳлисларга ўзгача завқ бағишлайди. Мовий рангнинг ёрқинлиги, яшил ва

сарик рангларнинг уйғунлиги томошабинга ҳуш кайфият улашади. Суратлардаги фалсафа эса бу ҳолатни тўлдирди. Бир қарашдаёқ рассомнинг "Ризқ", "Акс-садо" каби асарларида ўзига хос маҳоратни кўриш мумкин.

Муҳлислар рассомнинг шогирдлари Ш.Жу-маниёзов, И.Халилов, З.Фармонов, У.Ражабов, Ф.Сатторов, У.Юсупов, Ж.Ниезовнинг турли (апликация, мозаика, акрил) усулларда ишланган расмларини қизиқиш билан томоша қилдилар. В.Хапов ва О.Солихонинг график асарлари, Г.Аб-

дуллаеванинг миниатюралари, шунингдек, Ж.Ту-яковнинг мозаикалари томошабинларда катта таассурот қолдирди.

НИГОХ

Тошкент Фотосуратлар уйида очилган "Жазоирнинг қадимий ва замонавий архитек-тураси" деб номланган фотокўргазма мам-

лакатларимиз ўртасида ўрнатилган дипломатик алоқаларнинг ўттиз йиллигига бағишланди. Экспозициядан ўрин олган қирқдан ортиқ фотосурат-да Жазоирдаги юнон, рум, араб архитектураси унсурларидан фойдаланган ҳолда мумтоз услубда қурилган замонавий бинолар ўзига хослиги билан муҳлислар диққатини тортди. Мамлакат жа-нубидаги бинолар эса, араб-андалусия меъморчи-лигидан илҳомланиб яратилгани билан ажралиб туради. Жумладан, "Жазоир замонавий санъат музейи", "Гуелма-қадимги Рим театри", "Рим дав-

ри харобалари. Жамила" каби фотосуратларда ўтмиш ва бугуннинг ўзига хос уйғунлиги му-жассам. Айниқса, "Саҳро музейи" сингари су-ратлардаги қадимий биноларнинг оҳанрабо-симошабинлар эътиборини тортади. Ушбу кўр-газма санъат, маданият соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришда кўприк вазифасини ўтайди, икки халқни янада яқинлаштиришга хизмат қи-лади.

Сарвара ҚОСИМОВА

ОҲАНГЛАР ЗАРГАРИ

Бугунги кунда ўзбек музикасини, жумладан, миллий композиторлик ижодиётини дунёга тарғиб қилиб келаётган етук бастакорлар орасида Ўзбекистон Республи-каси санъат арбоби, профессор Ҳабибулла Раҳимов-нинг алоҳида ўрни бор.

Устоз композитор ижодий фаолияти давомида турли жанрларда миллий ва умуминсоний қадриятларни таран-нун этуви кўплаб асарлар яратди. Улар орасида концерт, симфония, вокал-симфоник поэмалар, ораториялар, фан-тазия ва увертюралар, драматик асарлар, опера ва балет-

услуги яққол сезилиб туради.

Эътиборли жиҳати, Ҳабибулла Раҳимовнинг кўп-лаб асарлари нафақат юртимизда, балки чет элларда ҳам муҳлислар олқишига сазовор бўлмоқда. Жумла-дан, Германия, Испания, Миср, Корея, Туркия, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа давлатларда тинловчилар ком-позиторнинг асарларини самимий қарши олди. "Шо-диёна" асари эса таниқли орган устаси Эрве Дезарб ижросида Франция ва бошқа Европа мамлакатларида муваффақиятли ижро этилди.

Ҳабибулла акани юртимизда нафақат ўзига хос ижодкор, балки жамоат арбоби сифатида ҳам яхши билишади. Бир неча йиллардан буён устоз санъаткор Ўзбекистон Композиторлари ва бастакорлари уюшма-си раиси ўринбосари вазифасида сидқидилдан фао-лият кўрсатиб келмоқда. Йиллар давомида "Ягонасан, муқаддас Ватан" республика кўшиқлар-танловида хайфат раиси, "Нихол" давлат мукофоти хайфати аъзо-си сифатида самарали иш олиб бормоқда. Турли да-ражадаги мусиқа фестиваллари ҳамда танловларнинг ташкил этилиши ва юқори даражада ўтказилишида Ҳ.Раҳимовнинг хизмати бекиёс.

Қуни кеча Ўзбекистон давлат консерваториясининг катта залида устоз композиторнинг ижодий кечаси бўлиб ўтди. Кечада ўзбек мусиқа санъатининг йирик намоёндалари, таниқли композиторлар, музикашунос олимлар, жамоатчилик вакиллари ва талабалар қатнаш-ди. Премьерлардан иборат бўлган концерт дастурини музикашунос Муҳаййи Набиева олиб борди. Асарларни халқаро танловлар совриндори Алибек Кабдурахмонов дирижёрлигида Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри ижро этди. Бадий раҳбар Ўзбекистон халқ артисти, профессор Исмомил Жалилов. Концертада Ҳ.Раҳимовнинг "Пола", "Оҳанглар жилоси", "Адажио", "Мавриги-2", "Шарқона фантазия" каби асарлари, "Алломиш ва Ой-барчин" операсидан ариялар, "Фарҳод ва Сониё" балет-тидан сюита ҳамда "Хўжа Насриддин" асаридан овоз ва симфоник оркестр учун ёзилган лавҳа ижро этилди. Тадбирга йиғилганлар республика ва халқаро танлов-лар лауреатлари Отабек Назиров, Шоҳида Нурматова, Хадича Имомназарова, солистлар Жасур Жаҳонлиев, Сарвиноз Муллажоновна, шунингдек, давлат академик катта театри солисти Нурмаҳмат Мухамедов ижролари-ни давомли қарсақлар билан қарши олдилар.

Г.УМАРОВА



лар, музикали комедиялар бор. Муҳлислар ижодкорнинг "Она қалби", "Алломиш ва Ойбарчин" операларини, "Муш-кул савдо", "Йўқолган юрак" музикали драмалари, "Келин танлов" музикали комедиясини, "Фарҳод ва Сониё" ба-летини қизиқиш томоша қиладилар. "Хоразм жилolari", "Мавриги", "Лазги" асарлари, "Хўжа Насриддин" моно-логи, "Сохибқирон абадиети", "Истиқлол" ораториялари, "Сайил", "Муборакбод", "Тасанно" увертюралари аллақачон муҳлислар эътиборини қозongan.

Муҳими, ҳар бир асарида миллий ва умуминсоний жанрлар муштараклигига эришган композитор ижоди миллий қолғулар хусусияти ижодкорона анлангани, улар-да қолғулаштириш ва ижрочилигининг янги усуллари кенг қўллангани ҳамда ифода воситаларига бойитилгани билан ажралиб туради. Шарқ халқлари куйлари асосида баста-ланган асарларида Ҳ.Раҳимовнинг турли халқлар анъана-ларига нозик муносабати ва ҳурмати яққол намоён бўлади. Бунга "Ариран", "Фантазия" (корейс мавзуларига), "Турк-ча фантазия", "Раст", "Фидайда", "Араб концерт поэмаси", "Тунги кўшиқ" (япон куйларига), "Ойдин кечалар" (хитой куйларига) каби асарларини мисол қилиб келтириш мум-кин. Асосийси, композиторнинг ҳар бир асарида, жанри ва мавзусидан қатъи назар, теран миллий асос мавжуд. Шу-нингдек, уларда ижодкорнинг нозик диди, оҳанг танлаш

Нега менга бундай жилмаясиз?.. Ўтган куни чойхонада бошқача га-пирган эдингиз-ку, дейсизми? Ўзим ҳам билиб турибман... Эртага бу га-пларимни телевизор орқали томоша қилганлар мен ҳақимда нималар дейишади?.. Бу энди бутунлай бошқа масала, оғайни. Биламан, кимдир "Маддох" дейди, бошқаси замона зайли-да, мабодо ўзимга микрофон тутишса нима деган бўлардим, деб ўйлаб қолади. Ё гапим нотўғрими?..

Ҳабиб СИДДИҚ

ЎЗИМ ЯХШИ ЭМИШМАН...

Э-э, бу тақир бош нималарни кўрмаган дейсиз? Мактабни битир-гунимча директоримиз йўталсалар "лаббай" деб қолиб бо-рардим. Дадам фермер

ХАЖВИЯ

риб кўлим қабаради. Ёшлигимиз-да шунақа карта ўйини бўларди. Қулида "йигирма бир" бўлган карталар одам ютар-ди. "Очоқ" деб ҳам қўйишарди. Юқоридagi раҳнамоларим-нинг қўллаши билан янада ёғли-роқ мансабга қўтарилгач, бунга ҳам қаноат қилмай қолдим. Ахир, ҳамма ёқда ривожланиш, глобал-лашув, янги технология деган гап-сал-сарик пишган ошқовоқ олиб борсам, аввалига хайрон бўлди, кейин қулди. Анча кейин елкамдаги "ошқовоқ"ни ишлатиб бўлмаслигини англаб етган устозим жаҳл устиди мени сўккан эканлар.

Битираётганимда қаттиқроқ йўталдилар, шекилли, автомашина-нинг юқонхонасини тўлдирди дадам-нинг ўзлари бориб келдилар.

Институтни битиргунимча ўтган саргузаштларни гапирса ўзи бир китоб бўлади. Яхшиси, бу дафтар-ни очмай қўяқолай. Ўзи ошқоралик замони бўлиб ҳамма кимга қанча узатиш кераклигини бозордаги саб-зи-пиевнинг нархидан ҳам аниқ би-

либ олишди. Лекин ўша даврда олган сабоқларим натижасидаги салом-алик, олди-берди шақли-даги муомала маданияти ҳаётим давомида иш беряпти.

Аслини олганда-чи, бир вақт-лар жуда содда эканман – туғил-ган кунимни йилда бир марта нишонлардим. Амал лиллапояла-ридан кўтарила бориб ақлим кир-ди – қайси ойда туғилганимни сир тутта бошладим. Фақат туғилган кунимни билишади. Қарабсизки, ҳар ойнинг йигирма биринчи са-насида совга-салом қабул қилаве-

Эртаси куни, жаҳлим чиқиб столни муштлайман. Ахир, бу стол, бу курсини ишғол қилгунча она сутимни оғзимга келтириб те-римни шилиб олишганини билиш-майди-да.

Нима?.. Қаранг-а?..


Мансабини суи-стеъмол қилди эмиш. Ўйлаб гапиряптими бу найнов?.. Худди мен бу мансаб-ни текинга олган-дай.

даги бўлка ноннинг нархидан кўра ҳам аниқ билишади.

Ҳа-ҳа, бу гапингиз ҳам тўғри. Бир замонлар ихтисослашган мактабда ҳар қандай ота-оналарнинг иқтидор-ли болалари таҳсил олишарди. Энди эса бунақа мактабларда

топарман-тутармон ота-оналарнинг ҳар қан-дай болалари ўқий-диган бўлиб кетди.

Хозирги кунда ахборот дастурида "Бемор обдон ўйлаб операция учун кетадиган



Суратда: Фаргона вилоятида бугунги кунда 17 та стационар оромгоҳлар мавжуд бўлиб, ўғил-қизлар дам олиши ва соғломлаштирилиши учун зарур барча шароитлар яратилган.

Зўхриддин УМУРЗОҚОВ (ЎЗА) олган сурат.

САЙЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Эълон

Ўзбекистон Бадий академиясининг академиклигига (ҳақиқий аъзолик учун) сайлов эълон қилинади. Сайлов Ўзбекистон Бадий академиясининг Низоми ва белгиланган сайлов тартиби асосида ўтказилади. Санъат ва маданият соҳасидаги давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамда халқаро ташкилотлар Бадий академиянинг ҳақиқий аъзолигига номзодлар кўрсатишлари мумкин.

Ҳақиқий аъзоликка номзодлар сайлов ҳақидаги эълон чиққан кундан бошлаб икки ой муддатда Ўзбекистон Бадий акаде-мияси Бадий ижодкорлар уюшмасининг тегишли ёзма тавсияномаси билан бошқарув кенгашидан рўйхатдан ўтишлари лозим. Ўзбекистон Бадий академиясининг ҳақиқий аъзолигига тасвирий ва амалий санъат, дизайн, санъатшунослик ва музейшунослик соҳалари бўйича унинг ийрик асарлари билан юртимиз маданий ҳаётини бойитган ва ўз ижоди, илмий, педагогик фаолияти билан соҳа тараққийоти учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашда катта ютуқларга эришган ижодкорлар сайланади. (Еш чегараланмаган).

Сайлов билан боғлиқ қўшимча маълумотлар Ўзбекистон Бадий академиясининг расмий сайти — www.art-academy.uz ҳамда иктимой тармоқлардаги ахборот ресурсларида эълон қилинади.

Манзил: Ўзбекистон Бадий академияси, Содик Азимов кўчаси, 35-уй.
Тел: 232-06-75, 233-95-86.



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru



Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамқоримиз:

inzo
akfa

Бош
муҳаррир

Салим
АШУР

Тахририятга келган қўлхатлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Шухрат АЗИЗОВ
Саҳифаловчи: Нигора ТОШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 1115. Буюртма Г - 644.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А - 2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарқ»
нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.

Босмахона манзили:
Буюк Турон кўчаси,
41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 21.35.

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИКАДИ
Сотувда нархи эркин.



ISSN 2183-134X
9 772183 134000